



ОЛИМПИЙСКИЙ БІЛДЕМСАРЫ АСОССАРЫ



25.12.97
0-40

2000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ
ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИМПИЯ АКАДЕМИЯСИ


ОЛИМПИЯ БИЛИМЛАРИ АСОСЛАРИ

(Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари
на академик лицейлар учун ўқув қулланма)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002

Муаллифлар: Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси президенти профессор А. К. Ҳамроқулов, профессор Т. Т. Юнусов, профессор Э. К. Шатерников, доцент А. К. Акромон, Ж. Х. Умаров, Л. М. Абдураҳмонова.

С. С. РЎЗИЕВНИНГ
умумий таҳрири остида



Олимпия билимлари асослари: (Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари ва академик лицейлар учун ўқув қўлланма) / Муаллифлар: А. К. Ҳамроқулов, Т. Т. Юнусов, Э. К. Шатерников ва бошқ.; С. С. Рўзиевнинг умумий таҳрири остида.— Т.: «Шарқ», 2002.—96 б.

Сарланқада: ЎзР ҳалқ таълими вазирлиги, ЎзР Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, ЎзР Милсий Олимпия қўмитаси, ЎзР Олимпия академияси.

1. Ҳамроқулов А. К. ва бошқ.

ББК 75.1я7

Мазкур ўқув қулланма умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, академик лицейларнинг юқори синфларила, болалар усмирлар спорт ва олий спорт маҳорати мактаблари, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва университетларининг жисмоний тарбия факультетларида олимпия таълимоти бўйича машғулотлар олиб бориши учун мўлжалланган.

Узининг тарбиятни аҳамияти, байрамона урғодатлар ва маросимлар, санъат орқали яратилган бетакрор аураси, буюк санъаткорлар, олимлар, фойласуфлар ҳамда шоирлар ҳисса күшганд уша алоҳидаги мұхитсиз, ва ниҳоят, спортта умуминсоний маданияттинг ажрагмас қисми сифатида назор ташлашга имкон берадиган уша ажойиб рамзий белгилар — шунинг ҳаммаси булмаганды олимпия ҳаракати, қолаверса, Олимпия ўйинлари мавжуд булмас эди.

И. А. КАРИМОВ

СҮЗ БОШИ

Хурматли китобхон! Сиз кўп марта шундай манзарани томоша қилгансиз: йигит Олимпия ўйинлари нинг ғолиблик шоҳсупасида турибди. Унинг гавда тузилиши тўзал, қарашларидан ғурур ва баҳт нурлари ёғилмоқда. Унинг шарафига мамлакат мадҳияси янгромоқда ва давлат байроби кутарилмоқда. Бундай хурматта фақат давлат арбоблари ёки расмий ҳукумат вакиллари сазовор бўлади. Нима сабабдан йигитга бундай хурмат кўрсатилмоқда? У — олимпионик. Олимпия ўйинлари ғолиблари Қадимги Юнонистонда шундай аталар эди. Ҳозирги кунда олимпионикнинг ғалаба лаҳзаси, ғолиблик тантанаси ва тақдирланишини ср шаридаги ҳамма аҳоли куриши мумкин. Олимпионик нафақат ғолиб сифатида, балки маълум бир давлат, ҳалқ вакили сифатида машҳур бўлади. Унинг шахси орқали уни ўстириб вояга етказган миллат, давлат, унинг имкониятлари баҳоланади. Шу орқади олимпионик уз ҳалқи рамзи, унинг фахри, қадр-қимматига айланади. Ғолиблик шоҳсупасида турган инсон ўз мамлакати аҳолисининг бир умр хотирасида сақланиб қолади. Собир Рузиев, Руфат Рисқиев ва бошқа машҳур спортчилар давлатимиз учун ана шундайлар қаторига киради.

Тарихда куп байрамлар мавжуд. Баъзилари ҳозирги кунда умумбашарий аҳамиятга эга булмоқда. Лекин ўзининг аҳамияти, гузаллиги, турфалиги, инсониятга хайрли таъсирига кура, Олимпия ўйинларига тенг келадиган ҳалқаро байрам йўқ. Бу ср куррасининг энг яхши

спорчилари, юксак маданият ютуқлари куриги, илмий-техника тараққиғи мұваффақиятлари намойиши, йирик олимлар форуми, халқлар дүстлигі байрами, инсоният цивилизациясининг юксак қадриятлари намойишидір.

Жаҳон океани миллиард томчилардан иборат бұлған каби, инсоният ҳам миллиард **Кишилардан** ташкил топған. Ҳар бир томчидә жаҳон океани акс этгани каби, ҳар бир инсонда **ҳам** жаҳон цивилизацияси ютуқлари акс этади. Агар Олимпия үйинлари — инсонияттың эңт яхши натижалари синтези булса, олимпия ҳаракатига қушилиш жаҳон цивилизацияси хазинасига чуқур кириб бориш — энг түғри йүл ҳисобланади.

Олимпия ҳаракатида ҳар бир инсон қатнашишы мүмкін. Ҳаммаси шахсий истакка боғлиқ. Агар ёшингиз олимпия спортида катта мұваффақиятларға әршишігә имкон бермаса, спорт җаками, меценат, спорт журналисти, спорт иншоотлари архитектори, спорт снарядлари, кийимлари, инвентари яратувчisi сифатида олимпизмга құшилишингиз мүмкін. Ва, ниҳоят, Сиз олимпиячиларимиз ишқибози булишингиз, улар билан фахрланишингиз, бундай ажайиб спорчиларни тарбиялаб етиштирған Ватанингиз билан фахрланишингиз мүмкін.

Спорт дунёси күчли, мақсадға интилевчан, ҳаётдан кувонч оладиган инсонларни яратади, ғалаба қилиш ва кишиларға ғалаба мевасини беришгә үргатади. Спорт дунёси кишини ҳаёғдаги мақсадни оқылона танлашта, уларни амалға ошира олиш, ҳалол кураш билан қийинчиликтарни енгіб үтишгә үргатади. Бунинг ҳаммаси кишиға танлаган касбидә мұваффақиятта әришишга, узоқ ва мұваффақиятли ҳаёт кечириш, касалліклардан узоқ бўлишга, **ҳар** доим тетик ва атрофдагилар учун жозибали бўлишгә ёрдам беради. Бизнинг олимпиячиларимиз ана шундайдир. Уларнинг ҳар бири серқиrrа ва ёрқин шахслардир.

Узбекистонлик олимпиячининг портрети жуда ёрқиндир. Олимпиада қатнашчиларини гузал қадди-қомати, хушчақчақ дилқаш феъл-атвори, уларга хос булган шижаоат, изланиш ва янгиликларға интилевчанлығига кўра билиб олиш мүмкін. Уларга хос бўлган мақсадга интилевчанлик, ботирлик, мураккаб вазиятларда тез йўл топа олиш, оғирликларни енгіб үтиш ва мағлуби-

ятни мардонавор кўтара олиш хусусиятлари ҳам спорт орқали эгалланган. Бизнинг олимпиячиларимизга юксак маънавий сифатлар бўлмиш дўстлик, спортдаги рақибларнинг гурури ва қадр-қимматини ҳурмаг қилиш каби фазилатлар хосдир. Олимпиячи ва спортчининг энг муҳим сифатларидан бири юксак фуқаролик ва ватанпарварлик ҳиссидир. Бу ҳақда Барселонадаги Олимпия ўйинлари иштирокчиси, профессионал боксда ўн тўрт карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Даётлат жисмоний тарбия институти битирудчиси Артур Григорян ёрқин ва қатъяян шундай дейди: «Мен гала ба қозонишинга ишонаман. Ўз ватандошларимга шуни швоиги билан айтаманки, бу галабаларимдан сўнг мен туғлиб ўсган, боксда биринчи қадамларимни қўйган на мен унинг фуқароси бўлган юртнинг байроби ҳар доим кутарилади» («Спорт», 25 апрель, 1996 й.). А. Григоряннинг биринчи галабасидан сўнг уни Президентимиз И. А. Каримов қизғин табриклаб, қўйидаги сўзларини айтди: «Бизнинг ёшларимизни жисмонан чиниқтириш ишида, уларни ватанпарварлик ва уз Ватани билан фахрланиш руҳида тарбиялашда сенинг галабанг муҳим аҳамиятта эга» (Уша ерда).

Айниқса, Олимпия ўйинларида давлатимизнинг спорт шарафини ҳимоя қилувчи спортчиларнинг ватанпарварлик ҳисси жуда муҳимиdir. Олимпиячиларимизни Атлантага кузатиш пайтида И. А. Каримов уларга қарата шундай деган эди: «Сизнинг Атлантага сафарингиз, Олимпия ўйинларида иштирок этишингиз — уз-узидан катта воқеадир. Шунинг узи ҳар бир ўзбекистонликни фахрлантиради ва тўлқинлантиради. Сиз ёш мустақил мамлакатимиз номидан ушбу мусобақаларда қатнашасиз. Сиз энг кучли спортчилар билан кураш олиб борасиз. Энг кучли спортчилар билан кескин олишувларда сиз ўз маҳоратингиз ҳамда қобилиятларингизни намойиш қилган пайтда мен шуни хоҳлардимки, сиз қаңғалик кўнгли очик ҳалқнинг вакили оканилигингиизни, қандай давлат шарафини ҳимоя қилаётганлигингиизни эсда тутишингиз лозим». («Правда Востока», 5 июл, 1996 й.).

Ўзбекистон спорт шуҳрати, Олимпия ўйинлари тарихи жисмоний, маънавий ва ахлоҳий ривожланиш манбаи — олимпизм, инсоният цивилизациясида ва ҳир бир инсоннинг ҳаётида замонавий олимпия хара-

катитинг аҳамияти — мана шуларнинг ҳаммаси түгри-
сида ушбу китоб сизларга маълумот беради.

Минг йиллар давомида Ўрта Осиё ва унда яшаб
утган халқлар инсоният тарихида ёрқин из қолдиран.
Бу ерда энг буюк ақл-заковат эгалари шаклланган. Бир
вақтнинг ўзида бу ерда гайритабиий жисмоний сифат-
ларга эга инсонлар туғилиб вояга етган. Улар ҳозир
ҳам дунёга келмоқда. Уларга ҳаётда ўз ўрнини топа
олишга, Олимпия ўйинларида галабага эришиш йулини
излашта ва Ўзбекистонимизни шарафлашга ёрдам бе-
риш — ушбу олимпия дарслигини яратишдан иборат
бўлган бизнинг мақсадимиз эди.

I. БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ – УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёning Амударё ва Сирдарё оралиғидаги марказий қисымда жойлашган. Шимоли-Ғарбдаги унинг катта ҳудудлари Турон настекислигини әгаллади; Жануби-Шарқда – Тян-Шанъ ва Олой төғ тизмалари, Республиканиң Жануби-Ғарбидаги эса Қизилқум қумли саҳролари ястаниб ётибди.

Республика таркибида 12 та маъмурий вилоят ва Қорақалпогистон Республикаси бор. Майдони – 447,4 минг кв. км. Аҳолиси – 24 млн киши. Мамлакатда 157 та қишлоқ туманлари, 123 та шаҳар, 104 шаҳар типидаги посёлкалар бор. Давлат пойтахти – Тошкент.

Ўзбекистон иқлими – кескин континентал, қуруқ, күп қуёшли кунлар хосдир. Иссиқлик ва ёруғликнинг старли даражада эканлиги бу ерда пахта, каноп, узум, мевалар, шолиз ва бошқа иссиқсевар қишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси – кўп миллатли давлат, бу ерда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди, жумладан ўзбеклар (71,4%), руслар, (8,3%), тожиклар (2,4%), қозоқлар (4,1%), татарлар (2,4%), қорақалпоқлар (2,1%), қирғизлар, корейслар, туркмандар, украинлар ва бошқалар. Шаҳар аҳолиси 40% ни ташкил этади, 60% аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Республиканинг кучли агросаноат комплекси асосан сувориладиган экин майдонларига асосланади. Унинг тармоқлари улушига ижтимоий маҳсулот ва ҳалқ хўжалигига машғул бўлган меҳнаткашлар сонининг ярмиси тўғри келади. Ўзбекистон жаҳонда энг йирик пахта сестириувчи давлат ҳисобланаци. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида – қоракулчилик, узумчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва гуруч етиштириш кенг миқёсда ривожланиб бормоқда.

Кўп тармоқли қишлоқ хужалиги билан бир қаторда республика бошқа Марказий Осиё давлатлари орасида

күп тармоқди индустрисен бинди ҳам ижрасиб туради. Узбекистоннинг иқтисодий имкониятиларида оғир саноат ҳиссаси ярмисини ташнид қиласи. Бу транспорт, электрон техника, түқимачилик ва қишлоқ хужалик машинасозлиги, киме ва төг-көн саноатидир. Электрон саноат мураккаб мининг техника ишлаб чиқариш, қишлоқ хужалиги ва минерал ҳам-ашёларини қайта ишлаш, енгил ва оптика-онқат саноати ҳам кенг ривожланган.

Узбекистоннинг деярли миниглаб завод ва фабрикалари саноатнинг юздан ортиқ тармоқларига хизмат қиласи. Бу ерда самолётлар ва тракторлар, қаттиқ ва иссиққа чидамли қотишмалар, қимматбаҳо ва рангли металлар, пахтачилик ҳамда түқимачилик саноати учун машиналар, автомобиллар, экскаваторлар ҳамда кутарма кранлар, куч трансформаторлари, киноаппаратура, транзисторлар ва бошқа радиодеталлар, музлаткичлар, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, табиий ва пахта матолар ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Республикада замонавий куп қувватга эга (50 млрд киловатт/соат) электр станциялари мавжуд. Республикада турли фойдали қазилмалар: кўмир, табиий газ, нефт, рангли ва ноёб металлар бор. Жадал ишлаб чиқараётган Мурунтов олтин кони — Осиёдаги энг йирик конларидан биридир.

Ўзбекистон темир йўлларининг умумий узунлиги 3,5 минг километр бўлиб, улар республиканинг деярли ҳамма йирик иқтисодий марказларини бир-бiri билан боғлайди, МДҲ давлатларига чиқиши таъминлайди. Қаттиқ қопламали автомобил йўллари узунлиги 40 минг километрдан ошади. Республика ҳаво йўулари орқали кўпгина пойтахтлар ва дунё шаҳарлари билан боғланган.

Тошкент — Ўзбекистон Республикаси пойтахти. У жаҳон жамоатчилигига яхши таниш. Тошкент куп марта ҳалқаро учрашувлар, симпозиумлар, конгресслар жойи бўлган. Мустакиллик йилларида пойтахтимиз йирик ҳалқаро спорт марказига айланди. Бу ерда I Марказий Осиё ўйинлари, кураш бўйича жаҳон чемпионати, Осиё чемпионати ва кўпгина йирик ҳалқаро мусобақалар ўтказилган. Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ҳукумати рахбарлари тинчлик декларациясини

имзолаган. Бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Амрикаси давлатлари ёзувчиларининг биринчи учрашуви бўлиб утган. Тошкент — жуда катта замонавий шаҳар, аҳолиси 2,1 млн. дан ортиқ, йирик маданий, илмий ва саноат маркази ҳамда энг гузал шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Узбекистонда фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт кенг ривожланган. Мамлакатда мажбурий умумий ўрта таълим қонун томонидан белгилаб кўйилган бўлиб, бир қатор умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўкув юртлари жойлашган. Ҳозирги нийтда республикада 60 та олий ўкув юрти, 258 та ўрта максус билим юртлари бор, уларда 360 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда ва малака орттироқда. Ҳозирда Узбекистон таълим даражасига кўра юқори ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган.

Республиканинг илмий-тадқиқот комплекси 362 та академик, олий ўкув юрти ва тармоқ ихтисослигидаги муассасаларни, жумладан, 101 та илмий-текшириш институти, олий ўкув юртларининг 55 та илмий-технишириш бўлимлари, 65 та лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, 32 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалири ҳамда тажриба корхоналари, 30 та ахборот-ҳисоблаш марказларини ўз ичига олади. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий салоҳият маркази бўлиб ҳисобланади. У ярим асрлик тарихга эга бўлган минтақадаги етакчи илмий ва тажриба марказидир. Фан соҳасида 46 минг атрофида киши меҳнат қиласи, жумладан, 2,8 минг фан докторлари ва 16,1 минг фан номзодлари мавжуд.

Узбекистонда қабул қилинган Конституция ва бир қатор қонунлар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини демократиялаштиришнинг қудратли ҳукукий кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Бугунги кунда ёш мустақил Узбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳукуқли аъзоси бўлган ҳолда мустақил иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга ўз куч-қудратини сафарбар этмоқда. Бундай сиёсат ҳаётни кейинги янгилаш, ҳалқ ҳўжалигини кескин жадаллаштириш, жисмоний тарбия ва спортни тараққий эттириш, ҳалқ турмуш тарзини яхшилаш, жаҳон иқтисодиётига ва ҳалқаро спорт ҳаракатига қуши-

жини сарнинада. Узбекистон жоқи келажакка кўтариши руҳи умми бидан сарнинада.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Олимийя ўйинлари ни жаҳон чемпионатларида Ватанимиз спорт шарафиди ҳимоя қилаётган спорчилар Ўзбекистон давлат рамзларини яхши билиши лозим. Қадимги юнонлар рамз деганда (юононча symbolos—белги, танилиш тамғаси) у ёки бу ижтимоий гурӯнинг шартли ашёвий танилиш белгиси тушунилган. Ҳозирги замонда ҳар бир давлатни ажратиб турувчи расмий белгилар тизими сифатида ўзининг давлат рамзига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи моддасида Байроқ, Герб, Мадҳия — Ватанимиз давлат рамзи қилиб белгилаб берилган.

Давлат байроғи — бу давлатнинг ажратиб турувчи расмий белгиси бўлиб, унинг таърифи қонунда белгиланган. У давлат мустақиллиги рамзидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва унинг рамзи бизнинг мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли давлатларнинг байроқларига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республикамиз табиатига мос хусусиятларни, ҳалқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон ва тиник сув рамзидир. Шарқда зангори ранг эъзозли ранг ҳисобланади. Бинобарин, соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз давлати байроғига шу рангни танлаган эди.

Байроқдаги оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Маълумки, ёш мустақил давлат ўз тараққиёти йўлида катта-кичик довонлардан ошиб ўтиши керак. Байробимиизга бу ранг ана шу йўл мусаффо ва чарогон бўлиши учун яхши ният рамзи сифатида олинган.

Яшил ранг — она табиатнинг тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Унинг рамзи ҳам яшил ранг ҳисобланади.

Қизил ҳошия — ҳар бир тирик жон қон томирида уриб турган ҳаётйи куч, ҳаёт рамзи.

Ярим ой — Ўзбекистон ҳалқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Ҳилол ва юлдузлар мусаф-

Фо осмоннинг рамзидир. Юлдузлар сони — 12 та бўлиб, ўлкамизда қадим вақтлардан бўён мукаммаллик тимсоли ҳисобланган.

Давлат байроғи бизнинг утмишимиз, бутунги кунимиз ва келажагимиз рамзидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган.

Герб немисча «Erbo» сўзидан келиб чиққан булиб, қироллар, бошқа давлат арбоблари, ҳудудлар хамда турли шаклдаги мулкнинг ажратиб турувчи белгиси деб тушунилган.

2500 йил аввал Эрондан то Олтойгача бўлган ҳудудда ҳукмдорлик қилган Оғузхоннинг қадимги туркий ҳоқонилити туркий тилдаги «тамға» сўзида ҳам ҳудди шундай маъно бор эди. XII асрнинг таниқли тарихчи Рашилдин Ҳамадонийнинг «Танланган тарихлар» китобида гувоҳлик беришича, Огузхон ўз ерларни уғилларига катта улуслар сифатида бўлиб берди. Уларнинг ҳар бири ушбу ҳудудни бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи тамға олган.

Кўриб турганимиздек, «тамға» атамасининг маъноси қадимдан немисча «герб» сўзига тўлиқ мос келган.

Хозирги кунда Давлат герби расмий белги, давлат эмблемаси булиб, байроқлар, пул белгилари, баъзи расмий ҳужжатлар, ҳукумат бинолари олд қисмида таснифланади.

Ўзбекистон Республикаси *Давлат герби ўзбек ҳалиқининг кўп асрлик миллий давлат тажрибасини ҳисобга олган ҳолда яратилган*. У ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

Гербнинг марказида — қанотларини кенг ёзиб турган Ҳумо қуши тасвиrlанган. Бу баҳт-саодат ва эркесварлик рамзидир. Буюк бобомиз Алишер Навоий Ҳумо қушини жамики тирик мавжудотлар ичida энг саҳоватли қуш сифатида таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмида республика жисслиги ва бирқарорлигининг рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз тасвиrlанган бўлиб, унинг ичida яrimой ва беш қиррали юлдуз жойлаштирилган.

Кусиң тасири — бизниш давлатимиз на ҳақимизининг ҳаёт Йули ҳамиша нурли бўлниши учун билдирилган яхши пиятдир. Айни пайтда у Республика миздаги ниҳоятда нодир табиий иқлим широтини ҳам кўрсатиб туради. Бошоқлар — ризқ-рўлимиш бўлган галланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвириланган ғўза шохлари — серкӯёш юртимизнинг донғини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидир. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқлари нинг давлат байробига ухшаган лента билан үраб қўйилгани — бу республикада яшаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Герб рангли тасвирида бўлиб, Ҳумо қуши кумуш рангда; қуёш, пахта чаноги ва «Ўзбекистон» деган ёзув тилла рангда; ғўза шохлари ва барглари, водийлар яшил рангда; тоғлар ҳаворангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, яримой ва юлдузлар оқ рангда; Узбекистон Республикаси Давлат байробига тасвириланган лента тўрт хил рангда берилган.

Мадҳия (қадимги юнон тилида *humnos* — тантанали қўшиқ маъносини англатади) Ватан, давлат, уларнинг қаҳрамонлари, тарихий воқеаларни шарафловчи шеърий-музиқий асар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг матни таниқли шоир Абдулла Орипов, мусиқаси — Мутал Бурҳонов томонидан ёзилган.

Халқаро мусобақалар, Олимпия ўйинларида тақдирлаш маросими пайтида Ўзбекистон фуқаролари шарафига Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Давлат байробиги кўтарилади.

III. ЗАМОНАВИЙ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ

Тарих саҳифалари замонавий таракқиётга олиб келган, тақдирни ҳал этувчи инсоният тарихидаги кашибиётларни очиб беради. Архимед, Ньютон, Эйнштейн ва бошқа олимларнинг буок назариялари ҳамда кашибиётлари инсониятнинг физика ва техника соҳасидаги изчил ривожланиши тўғрисида гувоҳлик беради.

Санъат усталарининг яратган ҳайкаллари, Миср эҳромлари, шоирлар, рассомлар, бастакорлар, меъморларнинг ижодлари замонамизни лол қолдирмоқда.

Асрлар оша дўстлик, ҳалоллик, беғаразлик руҳини

сақлаб келаётган Олимпия уйинларини ўтказиш ғояси ҳам инсон тафаккури ижодига мансубдир.

Тарихдан маълумки, Қадимги Юнонистон, аниқрорги, Олимп шаҳри Олимпия уйинлари ватани ҳисобланади. У Пелопонес ярим оролининг Farbий қисмидаги жойлашган. Замонавий Олимпия уйинлари машъали Алфей дарёси водийсидаги Кронос тоғ ён бағирларида ёқилади. Шу ердан уйинлар пойтахтигача машъал эстафетаси бошланади.

Шундай афсона мавжудки, худо Кронос ўғилларидан бирининг қулидан ҳалок бўлишини башорат қилувчи курқинчли тушга ишониб, янги туғилган фарзандларини ютиб юборишни бошлаган. Унинг рафиқаси Рся шундай йул тутадики, навбатдаги янги туғилган фарзанд урнига йургакка тош ўраб, уни бемеҳр отага беради, уелини эса чўпонга топширади. Бола ўсибулғаяди ва чақмоқ ҳамда момақалдироқ худоси қурдагли Зевсга айланади. Зевс отаси билан жангда ғалаба қозонади ва шу орқали ака-сингилларини қутқаради (улар кейинчалик худога айланишади).

Ушбу ғалаба шарафига Зевс спорт уйинларини ўтказишини буюради ва улар ўтказилган жой номи билан Олимпия уйинлари деб аталади.

Яна бошқа афсона ҳам мавжуд булиб, бунга кура уйинларни Геракл, Зевснинг угли ташкил қилган.

Олимпия уйинлари Гераклнинг энг шавкатли ғалабаларидан бирига бағишлиланган. Геракл ўз оёғлари кағти билан югуриш масофасини белгилаган ва у олти юзта оёқ кафтига (192 м 27 см) туғри келган. Қадимги Юнонистонда бу улчов «стадион» деб юритилган, шундан «стадион» сузи келиб чиққан. Куп йиллар давомида югуриш буйича ғолиб айнан шу масофада аниқланади.

Олимпия уйинлари Зевснинг невараси Пелопс томонидан ташкил килинган деган афсоналар ҳам бор. Пелопс Эномайнинг қизига ўн туртинчи куёв эди. Олдинги ўн учта куёв от аравада пойга ўйнашда Эномай қулидан ҳалок бўлган эди. Эномайнинг қизи Гипподамия Пелопс билан бирга Эномай от аравасининг бошқарувчиси Миртилосни гилдиракларни ушлаб турувчи бронзали ушлагични мумлисига алмаштириб кўйишга кўндиришади. Пойга пайтида гилдираклар чиқиб кетади ва Эномай ҳалок бўлади. Худоларга мин-

натдорчилик билдириб, Пелопс Олимпия ўйинларини таъсис этади, от аравада пойга асосий мусобақата айланади. Кейинчалик ўйинларда Юнонистоннинг ҳамма шаҳар, давлатлари қатнаша бошлади. Олимпия ўйинлари мобайнида ҳамма ерда тинчлик ўрнатилар эди. Қадимги юнонлар буюк худолар – чексиз қудратли ва доно Зевс ҳамда унинг **үғли** Гераклни Олимпия ўйинлари бошига қўйиб, бу ўйинларга бўлган муҳаббат ва хурматни ифода этганлар.

Олимпия ўйинлари шиори – «Тезроқ, юқорироқ, кучлироқ». Айнан Олимпия ўйинларида инсон имкониятлари баркамоллитигининг чегараси йўқлиги исботланади. Олимпия спорт майдонларида спорт натижаларининг «портлаши» юзага келади. Шу сабабли Олимпия ўйинлари қадимдан энг эъзозланган байрамларидан бири ҳисобланган. Қадимти юнонларда Олимпия ўйинлари қаҳрамонлари номларини Алфей дарёси яқинида ўрнатилган мармар устунга қўйиб ёзиш анъана га айланган. Биринчи Олимпия ўйинларининг ўтказилган санаси (м.а. 776 й.) ва Элидалик ошпаз Корибос тўғрисида инсоният ана шу мармар устундаги ёзуводан маълумот олган.

Олимпия ўйинлари ўтказилганидан 12 асрдан сўнг рим императори Феодосий I христиан динига мансублиги туфайли Олимпия ўйинларини ҳар хил худоларга ишониш белгиси сифатида бекор қилди. Айтиш жоизки, фақат бир йилгина Олимпия ўйингоҳлари сукутда қолди. 395 йилда Алфей дарёси қирғоқларида византияликлар ва готлар туқнашганларида кескин жанглар натижасида Олимпия харобага айланди. 426 йилда (31 йилдан сўнг) Феодосий II худоларга сифинадиган ибодатхоналарни ёқиб юборишни буюради, 100 йилдан сўнг эса икки марта содир бўлган зилзила туфайли Олимпия вайрон бўлади. Сўнг Алфей ва Кладей дарёлари сувлари тошиб, қолган иншоотларни ҳам ювиб кетади ва Олимпия қум ҳамда ботқоқлик қаърига кириб кетади.

Бир ярим минг йил атрофида Олимпия кўмилиб ётади. Фақат 1824 йилдатина, археолог лорд Станкоф Алфей қирғоқларида жиддий қазилмаларни олиб боради ва у қадимти Олимпия шаҳри чизмасини тузади. Шу нарса Олимпия ўйинларини тиклаш ғоясини ривожлантиришга туртки бўлади. 1859 йилда Эвангелис

Цаппас, юон армияси майори, панэллии «олимпиядасини» (бошқа давлатларнинг иштирокисиз) ташкил қиради. У икки марта утказилди, бироқ у миллий уйинга айланмади, бунинг устига халқаро миқёсга чиқа олмади. Фақат XIX асрнинг охиридагина замонавий олимпия ҳаракати йилномасига биринчи сатрлар ёзилди. Тез орада кўпгина давлатларда спорт ташкилотлари, клублар пайдо бўла бошлади, халқаро спорт уюшмалари ташкил қилинди. Айнан шу нарса француз жамоатчи арбоби Пьер де Кубертенга замонавий Олимпия ўйинларини тиклаш ғоясини ҳётга татбиқ этишга имкон берди. Француз ҳукумати томшириғига биноан 1889 йилда Кубертен ёшларни жисмоний тарбиялаш тажрибасини ўрганади, кўпгина давлатларга саволномалар жўнатиб, университетлар, коллеж ва лицейларда спортиш ўқитиш усулияти билан қизиқади. Пьер де Кубертен фаол, поёб ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлган широн сифатида юонларнинг 1859—1889 йиллардаги мусобақаларни утказишдаги муваффакиятни тажрибасини ҳисобга олган ҳолда бир қатор давлатларининг пирик спорт арбобларини Олимпия ўйинларини ташкил қилишга жалб этишга қарор қиласди. Асосий мақсад олимпия ҳаракатига бошидан халқаро мақом беришдан иборат эди. Европа бўйлаб сафарлар уюштиради, олимпия ғоялари тарафдорлари билан учрашади, алоқалар ўрнатади, уйига қайтиб келгач эса, 1892 йил 25 ноябрда ўзининг машхур «Олимпиянинг уйғониши» маъruzасини Сорбоннада ўқиб эшиттиради. Пьер де Кубертен олимпизм тарафдорларини тўплади ва Бутунъжаҳон учрашувни ташкил қиласди. Бу учрашув 1894 йил июнда Сорбоннанинг катта мажлислар залида утказилди ва Пьер де Кубертен 12 та давлатдан келган 72 та вакиллар олдида Олимпия ўйинларини ташкил қилиш ва Халқаро Олимпия қумитасини (ХОҚ) тузиш лойиҳаси билан сўзга чиқди. Таъсис конгресси Кубертен таклифини кўллаб-кувватлади ва олимпия ҳаракатини бошқариш ҳамда ўйинларни ташкил қилиш мақсадида 1894 йил 23 июнда Халқаро Олимпия қумитаси ташкил этилди. Унинг таркибига 12 та давлатдан 14 та вакил киритилди.

Маълумки, Таъсис конгресси Олимпия ўйинларининг асосий тамойиллари, қоидалари ва низомларини маъқуллади. Уларни Пьер де Кубертен Олимпия хар-

Ёзги олимпия йўйинлари

Олимпиада рақами	Шаҳар	Йил	Сони			
			Спорт турлари	Қатнашган давлатлар	Интироқчилар	Ўзбекистондан
I	Афина	1896	9	14	245	—
II	Париж	1900	17	19	1078	—
III	Сент-Люис	1904	14	13	687	—
IV	Лондон	1908	20	22	2035	—
V	Стокгольм	1912	13	28	2437	—
VI		1916			ўтказилмаган	
VII	Антверпен	1920	19	29	2607	—
VIII	Париж	1924	17	44	3072	—
IX	Амстердам	1928	14	46	2884	—
X	Лос-Анджелес	1932	14	37	1833	—
XI	Берлин	1936	19	49	3936	—
XII		1940			ўтказилмаган	
XIII		1944			ўтказилмаган	

XIV	Лондон	1948	17	59	4092	—
XV	Хельсинки	1952	17	69	5429	2
XVI	Мельбурн	1956	16	67	3178	1
XVII	Рим	1960	17	83	5313	1
XVIII	Токио	1964	19	93	5133	3
XIX	Мехико	1968	18	112	5498	5
XX	Мюнхен	1972	21	121	7121	7
XXI	Монреал	1976	21	92	6043	4
XXII	Москва	1980	21	80	5283	15
XXIII	Лос-Анджелес	1984	21	140	6802	—
XXIV	Сеул	1988	23	159	8473	7
XXV	Барселона	1992	23	169	9368	17
XXVI	Атланта	1996	36	197	10305	76
XXVII	Сидней	2000	38	200	13500	77

Күншкі олимпия үйннлари

Олимпиада рәкәмі	Шахар	Йил	Сони			Иштирокчылар	Үйнлекестерден
			Спорт турлары	Көрнәштән даулатлар	Сони		
I	Шамони	1924	6	16	258	—	—
II	Сен-Морис	1928	5	25	464	—	—
III	Лейк-Плэсид	1932	4	17	252	—	—
IV	Гармиш-Партенкирхен	1936	4	28	668	—	—
V	Сен-Морис	1948	5	28	669	—	—
VI	Осло	1952	4	30	694	—	—
VII	Кортина д'Ампеццо	1956	4	32	820	—	—
VIII	Скво-Вэлли	1960	4	30	665	—	—
IX	Инсбрук	1964	4	36	1091	—	—
X	Гренобль	1968	6	37	1158	—	—
XI	Саппоро	1972	6	35	1006	—	—
XII	Инсбрук	1976	6	37	1123	—	—
XIII	Лейк-Плэсид	1980	6	37	1072	—	—
XIV	Сараево	1984	6	49	1274	—	—
XV	Калгари	1988	6	57	1423	—	—
XVI	Алвербиљ	1992	6	64	1801	—	—
XVII	Лиллехаммер	1994	6	67	1739	7	7
XVIII	Нагано	1998	7	72	2339	4	4

тияси деб номлади. Конгресс олимпия ўйинларини қадимги анъана бўйича турт йилда бир марта утказиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Кубертен биринчи замонавий Олимпия ўйинларини 1900 йилда Парижда утказишни таклиф қиласган эди: XX асрнинг бошланиши — янги Олимпия даврининг бошланиши. Бироқ Юнонистон вакили таниқли шоир ва таржимон Деметриев Викелас Олимпиадани олти йил кутиб утирмасдан, биринчи Олимпия ўйинларини 1896 йилда ўтказишта контгрессни чақирди. Бунда у шуни қайд қилдики, Париж 1900 йилда ўйинлар майдонига айлансин, юнонлар ери қадимги Олимпиадалар бешити эса бундан тўрт йил олдин Олимпия ўйинларини ўтказади. Шундай қарорга келинди. 1896 йил замонавий I Олимпия ўйинлари йили деб аталди. I ўйинларнинг ўтказилиши жойи Юнонистон пойтахти Афина шаҳри бўлди. Шундай қилиб, бир ярим минг йиллик унтулишдан сўнг Олимпия ўйинлари инсониятга қайтарилди. Шундан бери 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳар тўрт йилда Олимпия меҳробида олимпия машъали ёқилади.

Биринчи Олимпия ўйинлари Юнонистон пойтахти Афинада 1896 йил 6 апрелда Мармар стадионида 80 минг томошабин иштирокида очилди. Унда 13 та давлат: АҚШ, Австралия, Австрия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Олмония, Дания, Франция, Чили, Швейцария, Швеция ва ташкилотчи Юнонистон вакиллари иштирок этди. I ўйинларда 311 та спортчи катнашди.

IV. ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ (ХОҚ)

Олимпия ҳаракатининг Олий раҳбар органи 1894 йил 23 июнда француз жамоат арбоби Пьер де Кубертен ташаббуси билан ташкил қилинди. ХОҚ таркибига 12 та давлатдан. Англия, Аргентина, Бельгия, Венгрия, Юнонистон, Италия, Янги Зеландия, Россия, АҚШ, Франция, Швециядан иборат 14 та вакил киритилди.

ХОҚнинг устав ҳужжати — Олимпия хартиясидир.

ХОҚнинг Олимпия хартиясига биноан асосий вазифалари кўйидагилардан иборат.

— ҳаваскорлик спорти асоси ҳисобланган жисмо-

ний ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга ёрдам бериш;

— ёшларни спорт ёрдамида ўзаро келишув ва дўстлик руҳида тарбиялаш, шу орқали янги ҳамда тинч дунёни қуришга ёрдам бериш;

— бутун дунёга олимпия тамойилларини кенг ёйиш, ҳалқлар ўртасида яхши ният мұхитини яратиш;

— жаҳон спортчиларини 4 йилда бир марта катта спорт байрами — Олимпия ўйинларида учраштириш.

ХОҚ мажбуриятига ёзги ва қишки Олимпия ўйинларини мунтазам ўtkазиш, уларни доимий тақомиллаштириб бориш, бутун дунёда спортнинг ривожлашишига раҳбарлик қилиш киради. ХОҚ Миллий олимпия қўмиталари (МОҚ) ҳамда Ҳалқаро спорт федерацияларини (ХСФ) тан олиш түғрисида қарор қабул қиласди. 1994 йилнинг 1 январига қадар 197 та МОҚ ва олимпия спорт турлари бўйича 31 та ХСФ тан олинган.

ХОҚ Олимпия ўйинлари дастурини белгилайди, ўйинларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича юзага келадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда юқори ташкилот ҳисобланади (ўйинлар пайтида мусобақалар ўтказилишини техник назорат қилиш хуқуқи ҳалқаро спорт федерацияларига топширилади), Олимпия ўйинларини ўтказиш учун шаҳарга хуқуқ бериш түғрисида қатъий қарор чиқаради.

ХОҚ фаолиятидаги энг мұхим йўналишлардан бири — бу санъатни спорт орқали тарғиб қилишdir. ХОҚ президенти бўлган Хуан Антонио Самаранч «Олимпизм — бу спорт ҳамда маданият» каби тамойилни доимо тарғиб қилиб келади.

Тараққийпарвар кучлар вакиллари ташаббусига кўра ХОҚ бир неча бор ҳалқаро спорт алоқалари, олимпия ҳаракатини демократиялаштириш муаммоларини мұҳокама қиласди, спортда сиёсий ва ирқий камситишларга қарши чиққан.

ХОҚнинг Олий органи сессия бўлиб, у ҳар йили, олимпия йилида эса икки марта чақирилади. Олимпия конгресслари 8 йилда бир марта ўтказилади.

Сессиялар уртасидаги даврда ХОҚнинг кундалик ишларини ижроия қўмита бошқариб боради. Унинг таркибига ХОҚ президенти (сессияда яширин овоз бериш йўли орқали мутлақ купчилик овоз билан 8 йил

муддатга сайланади, сунг кейинги түрт йиллик даврларга қайта сайланиши мүмкін), туртта вице-президентлар ва олтита аъзо киради. Вице-президентлар ва олтита ижроия құмитаси аъзоларининг ваколат муддати — 4 йил.

ХОҚ аъзолари (ҳозирги пайтда улар 95 та) Олимпия хартиясига биноан ўз мамлакатларыда унинг вакили ҳисобланадилар. Мамлакатда ХОҚнинг битта аъзоси сайланади, лекин ХОҚ иккінчи аъзони Олимпия ўйинлари ўтказилған давлатлардан сайлаши мүмкін. ХОҚ аъзоси 75 ёшта түлғанда истеъфога чиқиши лозим.

ХОҚ тизимида олимпия ҳаракатининг түрли масалаларини ўрганадиган ва ишлаб чиқалиған доимий комиссиялар мавжуд. Бу қыйидаги масалалар:

- Олимпия ўйинларини ташкил қилиш ва утказиш;
- Олимпия бирдамлиги;— Олимпия ўйинлари дастурлари;
- Олимпия ўйинларыда қатнашиш учун иштирокчиларга рухсат бериш;
- юрилик, тиббиёт, молиявий, тақдирлаш, маданий дастурлар муаммолари;
- матбуот хизмати ва ҳ.к.

Ўйинларни телевидение орқали намойиш қилиш хуқуқини сотишдан тушган маблаглар ХОҚ бюджетини ташкил этади. ХОҚ бюджет маблагларининг бир қисми ҳаваскорлик спорти ҳамда олимпия ҳаракатини ривожланғириш мақсадида ёрдамга муҳтож халқаро спорт федерациялари ва МОҚларга берилади.

ХОҚнинг расмий тили — француз ва инглиз тилларидир.

ХОҚнинг президенти этиб қыйидагилар сайланған:

Д. Викелас (Юнонистон)	— 1894—1896 йй.
П. де Кубертен (Франция)	— 1896—1925 йй.
Граф А. де Байе-Латур (Бельгия)	— 1925—1942 йй.
З. Эдстрем (Швеция)	— 1942—1952 йй.
Э. Брендсдэй (АҚШ)	— 1952—1972 йй.
Лорд М. Килланин (Ирландия)	— 1972—1980 йй.
Маркиз Х. А. Самаранч (Испания)	— 1980 й. — 2002

1991 йил 30 декабря 1861-сонли Қирол Фармони билан Х. А. Самаранчға «маркиз» унвони берилған. Испания қироли Хуан Карлос томонидан имзоланған

ушбу Фармонда Самараининг спортни бутун дунёга тарғиб қилиш ва оммалаштириш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланишидаги хизматлари тан олинган.

V. ПЬЕР ДЕ КУБЕРТЕН – ОЛИМПИЗМ ОТАСИ

Пьер де Фреди барон де Кубертен (1863—1937) — бу исм ўз замонасининг иқтидорли, шижаатли, қизиқувчан, ажойиб ва табиийки, замонавий Олимпия ўйинлари билан боғлиқ инсон исми сифатида тарих саҳифаларидан бир умр ўрин олган.

У Европадаги энг қадимги, бутун жаҳонга таникли ва энг яхши Париж университети — Сорбоннани таомомлаган. Тарих, педагогика, фалсафа, сиёсат билан қизиққан. Кейинчалик Пьер де Кубертен қадимги Эллада маданияти ва адабиёти тарихи билан чукур қизиқиб қолади. Айнан шу нарса унинг ҳаётида асосий мақсадга қараб ҳаракат қилишнинг бошланиши бўлди.

Унинг педагогика билан қизиқиши бу фаннинг янти қирраларини — спорт педагогикаси, жисмоний тарбияни очиб беради.

Пьер де Кубертен бу фанлар инсонга маънавий таълим бериш восьтаси бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтирган ва у хато қилмади.

Маълумки, Кубертен колледжа ўқиб юрган пайтларида ёқ қадимги Олимпия қазилмалари тўгрисида билиб олди ва дўстлари билан Олимпиининг аввалги қудратини тиклашни режалаштирди.

Бу орзуни у ҳақиқатга айлантирди, бунинг учун у ўз умрининг кўп қисмини — ярим асрдан кўпроқ вақтни сарфлади.

12 ёшлик чоғида у спорт клуби тузади. Бу ерда болалар футбол, қиличбозлик ва эшқак эшиш билан шугулланардилар.¹ Шундай қилиб у болалар учун спорт уюшмаларини биринчи марта яратган, сўнгра халқаро мусобақаларни ташкил этган шахсга айланади. Тахминан шу пайтларда Пьер жисмоний тарбиясиз маънавий ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етади.

Пьер 20 ёшга кирганда Олимпия ўйинларини қайта тиклаш тўгрисида Фикр билдиради ва бутун ҳаётини мана шу мақсадни амалга оширишга бағишлайди.

Айнан шу мақсад билан Кубертен фаол ҳаракат қилишни боптайды, жаҳоннинг кўпгина давлатлари ни кезиб чиқади, баҳслашади, ўз фикрларини исботлайди, олимпия гоялари тарафдорларини уз томонига жалб қиласди. Бу Кубертенга 1894 йил июнь ойида бўлиб ўтган олимпијм тарафдорларининг халқаро учрашувиши ташкил қилишга имкон беради.

Кубертеннинг таъкидлашича, олимпијмниң биринчи ва асосий мақсади — спорт, маданият, фан, санъат олимпия ҳаракати деб номланадиган мустаҳкам ҳамда ажойиб қотишмага бирлашиши лозим.

Пьер де Кубертенниң машҳур «Спорт мадҳияси» олий мукофот — Олтин медалга (1912) сазовор бўлган. Мадҳияда айтилишича, спорт — бу ҳётимизнинг доимий йўлдоши, чинакам ва ишончли дўст. Спорт билан мунтазам шуғулланиш рух ва танага қувонч бахш этади.

Олимпия белгилари, рамзлари, мукофотлари, қасамёд матни ҳам Кубертен томонидан тақдим қилинган.

Пьер де Кубертен йигирма тўқиз йил ХОҚниң президенти бўлган. Уни хизматларига яраша олимпијм отаси деб аташади.

Пьер де Кубертен Швейцарияниң Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитаси штаб-квартираси яқинида дафи этилган, унинг юраги эса васиятига кўра Юнонистонда, Олимпия ўйинлари ватани — барҳаёт Олимпијида қўмилган.

VI. САККИЗТА ПРЕЗИДЕНТ

ХОҚниң биринчи президенти ким булиши керак? Албатта, олимпия ҳаракати учун куп ишларни амалта оширган, олимпијмга бутун қалбини бахшида этган Пьер де Кубертен бўлиши лозим.

Бироқ, Хартияда кўрсатилган қонунлар олимпия ҳаракатининг биринчи қадамлариданоқ бажарилиши мажбурий эди. Уша пайтдаги Хартияда шундай ёзилган эди: «ХОҚга навбатдаги Олимпия ўйинлари ташкил этилаётган давлат вакили раҳбарлик қилиши лозим».

Юнонистон жамоат арбоби ва иқтидорли шоир Деметриус Викелас 1894 йилдаги Конгрессда Олимпијада

пойтахтиниб ўзининг жонажон Афинасини танлашга қатнишчиларни кўндириди ва кутгилмагандага президент бўлиб қолди.

Бироқ бу инсон жуда нозик ва вижданли қалб эгаси бўлиб, Афинадаги Олимпия ўйинлари ўтказиб булингандан сўнг, у ўз ўрнини Пьер де Кубертенга бериш мақсадида истеъфога чиқди. Бу тўла олимпизм, олижаноблик ва юксак одоб руҳида эди.

1896 йилда ХОҚ президенти ўрнини Пьер де Кубертен эгаллади. Буюк олимпиячининг бу «қироллик қилиши» деярли утгиз йил, 1925 йилгача давом этди, яъни Пьер де Кубертен ўз хоҳиши билан истеъфога чиқди ва унинг фикрича, ёшроқ ҳамда ишчанроқ инсонга ўз ўрнини бўшатиб берди.

Пьер де Кубертен раҳбарлиги остида ва унинг фаол иштирокида 1896—1924 йиллар орасида еттига Олимпиада ўйинлари ташкил қилинди ҳамда ўтказилди. Олимпизм учун энг қийин ва энг масъулиятли йилларда Олимпия ўйинлари, ҳозиргилари каби, амалда буюк спорт ва олижаноблик байрамига айланди.

1925 йилдан 1942 йилгача граф Анри де Байе-Латур (Бельгия) ХОҚ президенти бўлди. Ёшлигидаги жуда зур спортчи эди. Улғайиб, спорт машгулотларини фаол тарғиб қилиш билан шугулланди. 1906 йилда у ўзининг ватанида Миллий олимпия кўмитасини ташкил қилди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг эса ХОҚга олимпия ўйинларини унинг ватани пойтахтида, Антверпенда ўтказиш таклифи билан мурожаат қилди. Биламизки, 1920 йилдаги ўйинлар айнан уша ерда ўтказилган. Байе-Латур ҳаётининг сўнгги кунларигача ХОҚ президенти бўлиб қолган.

Кейинги тўргинчи президент — бу швециялик Зигфрид Эдстрем бўлиб, унинг маълумоти инженер-электрчи эди.

Эдстрем талабалик йилларида спорт билан шугулланди, спринтер-югуриш бўйича ўз мамлакати рекордчиси бўлди. Кейин у жамоатчилик — спорт фаолияти билан шугулланиб, олимпизм ғояларининг ихлосмандинга айланди. Швеция спорт ҳаракатига раҳбарлик қилди. Ҳалқаро олимпия кўмитаси Стокгольмда Олимпия ўйинларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилған пайтда, уларни ташкил қилишда фаол иштирок эта бошлади. 1912 йилдаги Олимпиада муваффақиятли ўтди.

Бу муваффақиятда Зигфрид Эдстремнинг хизматлари катта булди.

Шу йилнинг узида фаол швед, Халқаро ҳаваскорлар сингил атлетика федерациясини ташкил қилди. Ҳозирги кунда у жаҳонда энг оммавий, кучли ва хурматга сазовор федерациялардан бири ҳисобланади.

З. Эдстрем президент лавозимиини 1942 йилдан 1952 йилгача эгаллаб турди. У 1964 йилда 94 ёшида вафот этди.

Эвери Брендедж (АҚШ) 1952—1972 йиллар ичидаги ХОҚ президенти бўлди. Бунга қадар у ўз мамлакатининг энг кучли енгил атлетикачиси бўлиб, Стокгольм Олимпиадасида, яъни ундан олдин президентлик қилган З. Эдстрем ташкил этган ўйинларда қатнашди.

Эвери Брендедж спортдаги хизмати юксак даражада бўлган ҳолда спорт арбоби, олимпизм ғояларини ҳаётга татбиқ қилувчи фаол курашчи сифатида ҳаммага таниш. У ўз даврининг кўзга кўринган етакчи халқаро спорт ҳаракати раҳбарларидан бири ҳисобланади. Брендедж катта хизматлари учун купгина давлатларниң орденлари билан мукофотланган.

Эвери Брендедж биринчи Олимпия Олтин ордени соҳиби бўлди. Унинг номи замонавий Олимпия ўйинлари тарихида салмоқли урин эгаллайди.

1972—1980 йиллар давомида халқаро олимпия ҳаракатига таниқли ирландиялик журналист Майкл Килланин раҳбарлик қилди. Бундан ташқари, у спортни таргиб қилишда фаол шугууланди, лорд Килланин етакчи инглиз газеталари шарҳловчиси ҳисобланарди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу ботир инсон Британия куролли кучлари офицери эди. Урушдан сунг истеъфога чиқиб, кўп вақтини Миллий ва Халқаро Олимпия қўмиталари ишига сарфлади.

М. Килланининг буюк хизмати яна шундан иборатки, купол сиёсий тазиикча қарамасдан, Москвадаги Олимпия ўйинлари нафақат ўтказилди, балки жаҳон спортининг катта байрамига айланди.

Еттинчи ва ҳозирги пайтгача фаолият кўрсатган президент — Хуан Антонио Самаранч. У 1920 йилда Барселонада дунёга келди. XX асрнинг 70-йиллари охирида собиқ Иттифоқда Испания элчиси этиб тайинланган.

80-йиллар бошида олимпия ҳаракати ўз тарихида

Энг оғир күнларни бошидан кечирастган давр Эди. Сиёсатчилар спортта фаолроқ аралаша бордилар. Союз уруш хавф солиб турарди. 1980 йилда Америка жамоаси Москвадаги Олимпия уйинларида иштирок этишден бosh тортди. Уларга қушилиб АҚШ ортидан бораёттган бир қатор давлатлар ҳам Москвадаги уйинларда қатнашишдан воз кечдилар.

Турт йилдан сүнг собиқ Итифоқ раҳбарлари Американинг Лос-Анджелес шаҳрида булиб ўтган Олимпия ўйинларида ўз спортчиларига иштирок этишни ман қилди.

Самаранчнинг обрўси, шижоати, олижаноблиги ҳамда оқилона хатти-ҳаракатлари навбатдаги (иккита қайгули Олимпиададан кейин) Калгари ва Сеулда (1988) утказилган ўйинларнинг ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик белгиси остида муваффакиятли ўтишига ёрдам берди.

1992 йилда Барселонада — Хуан Антонио Самаранч ватанида утказилган ўйинлар олимпизмнинг ҳақиқий галабасига айланди.

Бу ҳақиқатдан ҳам ёшларнинг улкан спорт байрами, дўстлик ва биродарлик фестивали булди. Унда ер шарининг бешта қитъасидан бир юз етмишта давлатлардан спортчилар қатнашди.

Яна шу нарса жуда муҳимки, Самаранч раҳбарлиги остида бутун олимпия ҳаракати мустаҳкамланди. Бу ҳаракатда деярли икки юзта давлат иштирок этади.

1999 йил охирида олимпия ҳаракатини муҳим дарражада демократиялаштирувчи бир қатор жиддий тузатишлар Олимпия Хартиясига киритилди.

Лозанна шаҳрида булиб ўтган Ҳалқаро Олимпия кўмитасининг навбатдан ташқари 110-чи сессияси «ХОҚ-2000» комитетининг ҳамма тансияларини чуқур муҳокамадан сүнг қабул қилди. У Солт-Лейк-Ситидаги қишки ўйинлар атрофида коррупция билан боғлик бўлган жанжалдан сүнг ташкил этилган эди. Ушбу форумнинг асосий қарорлари қўйидагилардан иборат:

1. ХОҚ аъзолари сони 115 тадан ошмаслиги лозим, улардан 15 таси спортда фаолият курсатаётган спортчилар, МОҚлар президентлари, шунингдек, ҳалқаро спорт федерациялари раҳбарлари орасидан сайланади.

2. ХОҚга аъзо булиши мумкин бўлган номзодларни кўрсатиш ва дастлабки саралаш зарурий хатти-ҳаракат леб тан олинди.

3. ХОҚ аъзолари учун ёш чегараси 80 ёшдан 70 синга қисқартирилди.

4. Ижроия қўмита аъзолари сони 15 кишигача купайтирилади.

5. ХОҚ президенти муддати 12 йил билан чегаралади.

6. ХОҚга аъзо қилиб 8 йил муддатга сайлаш (кенинчалик ҳам қайта сайланиш имконияти билан).

7. Ўйинларни қабул қилишни хоҳловчи шаҳарлар номларини кўрсатиш ишлари расмий равишда номзод миқёсини олиш шарти билан тўлдирилди. Уч ёқлама ширтнома тузилади: шаҳар — МОҚ — ХОҚ. Агар шаҳар олимпия пойтахтига айланса, ушбу шартнома ўз-үтидан амал қилишни бошлайди.

8. ХОҚ аъзоларининг номзод шаҳарларга ташрифлари бекор қилинди.

9. ХОҚнинг молиявий фаолиятини ойдинлаштиришга эришиш мақсадида, ундан келиб тушадиган маблиғлар майбаларини очиқ ёритиб берадиган молиявий ҳисоботларни албатта зълон қилиш.

10. ХОҚдан пул олаётган ҳар бир ташкилот ушбу виситалардан қандай фойдаланилганлиги тўғрисида ХОҚга ҳисобот тақдим этиши лозим.

11. Езги ўйинлар дастуридаги спорт турлари сони 280 тагача чекланди ва бу Олимпиада-2004 да кучга киради. Сидней-2000 да 300 та спорт тури дастурдан ўрин олган эди.

12. Спортчилар учун паспортлар киритиш. Унда самарали допинг-назорат ўрнатиш ва спортчилар соғлигини текшириш учун зарур маълумотлар бўлиши лоҳим.

Олимпия хартиясига ўзгартириш киритилишини талаб қилган ҳамма қарорлар учдан икки овоз билан, қолғанлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинган.

2001 йил 13 июлда Москва шаҳрида бўлиб ўтган ХОҚнинг 112-сессияси тарихга кирди. Сессияни сўнгги куни ХОҚнинг янги саккизинчи президенти сайланади.

Матъумки, президентликка америкалик хукуқшунос Анита Дафрanti, кореялик дипломат Ким Йинг Ун, канадалик иқтисодчи Ричард Паунд, венгриялик собиқ қиличбоз Пал Шмит ва белгиялик врач Жак Рогглар номзодлари қўйилган эди. Овоз бериш икки

босқичда утказилди ва натижада Ж. Рогг номзоди ютиб чиқди. У энди 8 йил мобайнида Халқаро Олимпия қумитасини бошқаради.

Жак Рогг 1942 йил 2 май куни Гент шаҳрида туғилган. Касби буйича тиббиёт фанлари доктори, жарроҳ, инглиз, француз, олмон, голланд ва испан тилларида сұзлаша олади.

Регби ва елканли қайиқ спорты билан шуғулланған. Елканли қайиқ спорты буйича олти карра Бельгия чемпиони, уч бор Олимпия (1968, 1972, 1976) үйинлари иштирокчиси, икки карра жағон чемпиони, Регби буйича мамлакат чемпиони. Миллий терма жамоа үйинчи.

Европа Олимпия қумитаси президенти (1989), қишки (Инсбрук — 1976, Калгари — 1988), ёзги (Москва-1980, Лос-анджелес-1984, Сеул-1988) Олимпия үйинлари миссияси раҳбари 1991 йилдан ХОҚ аъзоси, халқаро спорт ташкилотлари комиссияларига раҳбарлик қилған. Олимпиада дастури ва Олимпия үйинлари комиссияси аъзоси. XXVII ва XXVIII Олимпия үйинлари координацион комиссияси раҳбари.

VII. ОЛИМПИЯ ХАРТИЯСИ

— бешинчидан, олимпизм — нафақат жисмоний сифатларни, балки тана ва руҳ уйғунлигини тарбиялашга қаратилган таълимдир. Бу шунингдек, спортчиларда ботирлик, ор-номус, қадр-қимматни тарбиялашидир.

Олимпизм ўз ривожланишида учта босқични босиб ўтган: Қадимги, Кубертен даври, замонавий. Ҳар бир босқичда у янги мазмун, анъаналар, урф-одатлар билан бойиб борган. Лекин унинг етакчи тамойиллари сақланиб қолган.

Шундай қилиб, «олимпизм» деганда маданият ва санъат, фан ва техника, маънавият соҳаларида спорт фаолиятининг илфор цивилизация ютуқлари билан уйғунашишига қаратилган қарашлар тизими тушунилади.

Бу тизим инсоннинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий талабаларига жавоб беради. Шу орқали унинг ғоялари ва тамойиллари атрофида жаҳондаги ҳамма давлатларнинг кўп сонли кишиларини бирлаштиради ва улар халқаро олимпия ҳаракатини ташкил этади. Ҳозирги пайтда унинг мураккаб ташкилий тузилмаси ҳосил булган, яъни унинг учта асосий тармоғи: Халқаро олимпия қўмитаси, спорт турлари буйича халқаро федерациялар ва Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясига бирлаштирилган Миллий Олимпия қўмиталари. Ўз фаолиятида улар Олимпия хартиясига таянади. Олимпия хартияси — бу ҳаракат тузилмаси, мақсадлари, мазмуни ҳамда демократик хусусиятини белгилаб берувчи ўзига хос устав ҳисобланади. ХОҚ олимпия ҳаракати муаммоларини ҳал қилишда юқори ташкилот ҳисобланади. ХОҚ томонидан тан олиниш, Олимпия хартиясига амал қилишга розилик билдириш ташкилотларнинг олимпия ҳаракатига қўшилганлиги (таваллуқлиги) мезони бўлиб хизмат қиласиди. Олимпия хартиясида ҳаракатнинг ғоявий-назарий асослари баён қилинган, унинг мақсад ва вазифалари белгилаб беришган: инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, яхши ва тинч жамият қуриш, ёшларни олимпизм руҳида

тарбиялаш, бутун давлатлар ва қитъалар халқлари ўртасида узаро тушуниш ҳамда дўстлик муносабатларини ривожлантириш.

Шундай қилиб, олимпия ҳаракати олимпизм таомойилларига асосланган, тинчлик, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида спортни ривожлантиришга қаратилган демократик ижтимоий тараққиётдир. У инсоният фаолиятининг кўпгина томонлари: таълим, тарбия, санъат, фан, маданият, техника тараққиёти, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

XIV. ОЛИМПИЯ МАДАНИЯТИ ҚАДРИЯТЛАРИ

Олимпизм — спорт ҳаракатининг маънавий асоси бўлиб, унда гуманистик (инсонпарвар) ғоялар ётади (кишиларнинг яхши ниятлари, тинчлик, ҳамкорликка иштилиш). Олимпизмнинг мазмун-моҳияти инсонга, шахсга, жамиятга хизмат қилишдан иборат.

Спортдаги замонавий йуналишлар таҳлили қуидагини атиқлашга имкон берди:

- ушбу ривожланиш босқичида спорт жамиятнинг ижтимоий ташкilotига аниқ, фаол интеграциялашуни, унинг бошқа ижтимоий воқеалар билан узвий боғлиқлиги қўзга ташланмоқда;
- инсоннинг ҳамма турдаги фаолиятига, маданий, таълимга спортнинг таъсири кучаймоқда;
- шахсни тарбиялашда спортнинг таъсири муҳим даражада ортмоқди.

XXI аср бошида қуидаги спорт турлари ижтимоий ҳаётдан ўрин отыклиди:

- оммавий спорт («Спорт ҳамма учун»), яъни соғлиқни мустаҳкамлаш, дам олиш, кунгил очиш, мулодот қилиш мақсадида мусобақаларда қатнашиш;
- профессионал (тижорат) спорт, даромад, реклама, томошабин қонунларига асосланган тиҷорат миссијаларини ҳал этиш учун кишиларни бирлаштириди;
- олимпия спорти. У гуманизм, ҳалол ўйин (Фэйр Илей), олимпизм фалсафасини шакллантирувчи тинчликсезлар айваналарни олдинга суради;
- юқори натижалар спорти. У инсон организмининг фаолият курсатиш ва ривожланиш қонуниятла-

рини тушуниш, унинг захирасини аниқлаш, такомиллашиш чегараларини белгилашда катта аҳамиятга эга;

— мослашиш спорти. У имконияти чекланган инсонларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш ҳамда жамиятга қушиш воситаси сифатида амал қиласди.

Ҳар бир айтиб ўтилган спорт турлари ўзининг устувор вазифалари ва шахсий қадриятига эга. Шу сабабли кишилар томонидан уларга турлича муносабат билдирилади.

Табиийки, кимгadir спорт — бу соғлиқ, мулоқот қилиш имконияти, ахлоқий ривожланиш воситаси, бошқалар учун эса — ўз-ўзини намоён қилиш, ўз-ўзини ўрнини топиш ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитларида купгина спортчилар спорт фаолиятига пул топиш, моддий бойликларни сотиб олиш, танилиш воситаси сифатида қарайдилар.

Ёшларни спорт фаолиятига нафақат жалб қилиш, балки шуғулланувчиларни спортнинг инсонпарвар ғояларини, қадриятларини згаллашга йуналтириш лозим. Бунда, биринчи навбатда, спортчи үзида, ўз Ватани шарафини ҳимоя қила оладиган, ҳалол кураша оладиган, қуполлик, очкӯзлик, куч ишлатиш, ёвузлик, яъни ҳам спортни, ҳам шахсни, ҳам жамиятни емирувчи ҳодисаларга қаршилик кўрсата оладиган шахсни, фуқарони тарбиялаши лозим.

Бундай вазифа олимпиизм маданияти қадриятларини згаллаш йўли орқали ҳал этилади. У олимпиизм фалсафасини ғоявий асос сифатида ўз ичига олади. Унинг замирида чуқур тарихий, дунёқарашли, аксиологик потенциал ётади.

Олимпия маданиятининг ижтимоий қадриятлари жамият томонидан тарихий битимлар, ижтимоий-руҳий меъёрлар, спорт ҳаракатлари, олимпиизм, олимпия ҳаракати, Олимпия ўйинлари кўринишида яратилган.

Олимпия маданиятининг тарихий қадриятлари спорт тарихи, олимпия ҳаракати генезиси тўғрисидаги билимлар, шунингдек, спорт, қадриятлар, меъёрлар эволюцияси, олимпиизм маъноси тўғрисидаги билимларнинг шаклланиш тарихини ўз ичига олади.

Олимпия маданиятининг дунёқарашли қадриятлари спорт фаолиятига фалсафий ёндашиш, спортнинг

инсонпарварлук асосларини ишлаб чиқиш, Олимпия хартияси тоялари асосида олимпия ҳаракатини ривожлантиришида үз аксии топади.

Олимпия маданиятининг мулоқот қилиш қадриятлари спортни мулоқот посиласи, ҳалқлар ўртасидаги Унро муносабатлар сифатида ёрқин намоён қилади, бу үз инибатида, спорт фаолиятининг байналмиллигини оке эттиради. Спорт тилини гаржима қилиш шартимис, у ҳаммига тушунарли ва осондир.

Демак, олимпия маданияти — бу Олимпия хартияси тоялари, олимпизм фалсафасига мос бўлган, инсон томонидан тўплантган билимлар, меъёрлар, қадриятлар, житти-ҳаракат намуналарининг йигиндисидир. Унинг асосида инсон турмуш тарзи ва шахснинг яшаш усули шаклланади.

Ушбу билимлар таълим ва тарбия орқали берилади. Жисмоний сифатлар ва ҳаракат малакалари ҳамда суннамалийини шакллантиришга қаратилган анъана-ни жисмоний тарбия орқали олимпия таълими ва тарбияни вакифларини ҳал қилиш жуда мураккабдир. Бунинг учун янги назарий ёндашишларни ишлаб чиқиш курор. Бунда педагогик жараённинг инсонпарварлиг мөддиятига катта эътибор қаратиш лозим.

Педагогик жараён мазмуни куйидагиларни үз ичида олини шарт:

— Олимпия ўйинлари, олимпия ҳаракати тарихи, олимпиймизни гуманистик тоялари ва қадриятлари турбистанинни билимларни шакллантириш жараёни;

— спортни бўлган қизиқиш, спорт машғулотларига бўйли ташб, спортдаги натижага, мусобақаларда ғалабага оринишнинг бўлган интилишни шакллантириш жараёни;

— социял, ёшлиарни (аҳолини) турли йўналишдали (союзмакалинириш, спорт, дам олиш) жисмоний сарфий спорт фаолиятига жалб қилини.

Олимпия тарбияси жараёнининг инновациялиги, сисмоний тарбиядан фарқли равишда, унинг бутунлиги ҳамда интегративлиги, спорт малакалари ҳамда суннамалийини шакллантириш жараёнида спорт фаолиятини мавзаний потенциалини згаллашнинг усту-форсинган иборат.

Мавзаний тарбия масалаларига етарлича эътибор сиратмислик спортчиларда манманлик, очкузлик, мол-

паастлик каби салбий сифатларининг шаклланишига олиб келади.

Инсонпарварлик тояларига асосланган олимпия тарбияси спортчиларда юксак маънавий қадриятлар, жамиятда зарур бўлган қўрсатмалар ҳамда спорт фаолияти билан шуғулланиш сабабларини тарбиялашга ёрдам беради.

Олимпия тарбиясида нафақат тарихий саналар, фактлар, олимпия рекордлари рақамларини эслаб қолиш орқали билимларни эгаллашта, балки ёшларни спорт фаолиятига фаол жалб қилиш, уларда шахсий спорт рекордларини ўрнатишга бўлган интилишни ривожлантириш, биринчи навбатда, ўз устидан ғалаба қозоништа ўргатиш зарур.

Олимпия тарбиясига бундай ёндашиш юксак маданият, тафаккурга эга бўлган, яъни ҳар томонлама ривожланган шахслар билан спортчилар қаторини тўлдиришта имкон беради.

XV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси 1992 йил 21 январда Тошкент шаҳрида чақирилган — конференцияси қарори билан ташкил топган, 1993 йил сентябрь ойида ХОҚнинг 101 сессиясида тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси МОҚ таркибида 127 киши ва 11 та фахрий аъзо бор. МОҚнинг биринчи президенти О. И. Назиров, вице-президентлари С. С. Рўзиев, И. П. Барабан, бош котиби проф. А. К. Ҳамроқулов бўлган. 1994 йили О. И. Назиров соғлиги туфайли президентлик лавозимидан истеъфога чиқди ва С. С. Рўзиев (Давлат спорт қўмитаси раиси) МОҚ президенти этиб сайланди.

МОҚнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳри.

МОҚ мақсадлари: Олимпия ҳаракати ва ҳаваскорлар спортини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишга ёрдам бериш; Республикамиз спортчиларининг Олимпия ўйинларида иштирок этишини таъминлаш; Республикамиз ва бутун дунё спортчилари ўртасидаги дустлик алоқаларини ривожлантирган ҳамда мустаҳкамлаган ҳолда олимпизм тоялари руҳида спортнинг

риштаданишини рағбатлантириб ва йўналтириб туриш. МОК ушбу мақсадларга эришиш учун хусусий шахслар ёки ҳукумат ташкилотлари билан олимпия ҳаракати тилаблири ва қоидаларига асосланган ҳолда ҳамкорлик қўлини мумкин.

МОК ўт амалий фаолиятида олимпия хартиясига мунофийк ишлаб чиқилган уставга (у МОКнинг расмий қоидалари, тушунтиришлар ва йуриқномани ўз ичига ошли) амал қиласиди.

МОК – бу мунтазам фаолият курсатувчи ҳукумат ташкилотидир.

МОКнинг Олий органи бош ассамблея бўлиб, у ошида, бир йилда камида бир марта чақирилади. Фавзуоди ассамблея президент томонидан ёки МОК аъзодарининг ёсма илтимосига кўра чақирилиши мумкин.

Ассамблеялар орасидаги давр ичида давлатимизда олимпия ҳаракатига раҳбарлик қилиш МОК ижроия қўмитаси томонидан амалга оширилади. Унинг таркиботи президент, З вице-президентлар, бош котиб, бош директор ва 7 аъзо киради. Улар 4 йил муддатга сайланади.

МОК, тошириғига кўра ижроия қўмита қўйидаги мифбурияларни бажаради: МОК ассамблеяларининг суннагибини тайёрлайди; олимпия қоидалари ва низомлари. Бош ассамблея қарорларининг бажарилишини тайминтайди, белгиланган таргибда МОК таркибига сийхан учун шахслар ҳамда ташкилотларни тавсия сийи, МОК молиявий аҳволи учун жавобгар бўлали. Шинни ҳисобот тақдим этади, маъмурий иш ҳамда зорининиң сакланиши учун жавобгар бўлади.

Президент МОК уставида белгиланган айрим ҳоларда, шар навият МОК ёки унинг ижроия қўмитаси уни бажаришга имкон бермаса, шахсан ўзи қарор чиқаришни ёки чора қўллаши мумкин. Ушбу қарорлар кешифчилик МОКнинг нафбатдаги ассамблеясида тасдиқ олинади.

МОКни олимпия ҳаракати, олимпия ўйинларига таҳсилотлик ва унда иштирок этиш, шунингдек, МОК фанният маснавалари бўйича тавсия ишлаб чиқадиган содисимлар тушнади (ҳозирги пайтда улар 10 та).

XVI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИННИГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан ижтимоий соҳада бошқариш тузилмасини динамик ўзгартириш имконияти туғилди. Бу мамлакатимиздаги тубдан ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятига, жумладан, спорт ҳамжамиятига интеграцияси сабабли юзага келди.

Жисмоний тарбия ва спорт олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини бошқариш бўйича ташкилот тузиш зарур булиб қолди. Шунингдек, бу ташкилот Халқаро олимпия қўмитаси томонидан тан олиниши лозим эди. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси (МОҚ) айнан шундай ташкилот бўлди.

МОҚни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси ҳамда Ўзбекистон МОҚ биринчи президенти Обид Назирович Назиров катта ҳисса қушди.

У 24 ёшида, йирик мусобақада иштирок эта туриб, собиқ Иттифоқ спорт устаси меъёрини бажаради, кейинчалик «Меҳнат резервлари» МСК биринчилиги, қасаба уюшмалари спартакиадаларида қатнашади ва бир неча бор ғолибликни қўлга киритади.

Спортга бўлган муҳаббат унинг келажагини, қасбини аниқлаб берди: у Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишига кирди. Олий ўқув юртини тугатгач, О. Назиров педагогик фаолият билан шугулланди ва катта натижаларга эришди — у 60 дан ортиқ спорт усталари ҳамда халқаро тоифадаги спорт усталарини тарбиялаб вояга етказди.

Унинг ўқувчилари орасида таниқли спортчилар, Ўзбекистон, собиқ Иттифоқ терма жамоалари аъзолари, собиқ Иттифоқ ташқарисида ҳам машҳур бўлган спортчилар: Кўлдош Асракулов — собиқ Иттифоқ совриндори; Салим Абдувалиев — «Меҳнат резервлари» МСК чемпиони, халқаро мусобақалар совриндори, ҳозирда эса Ўзбекистон эркин, юнон-рум кураши асоциацияси президенти; Маҳамат Маҳбубов — собиқ Иттифоқ, «Меҳнат резервлари» МСКнинг кўп карра совриндори, Ўзбекистон чемпиони, ҳозирда ички иш-

шар органлари бошқармаси бошлиғи, Владимир Ким, Ҳабибулла Мирзараҳимов, Саъдулла Мамажонов, Шуҳрат Усмонов, Самандар Насимов, Республика эркин курши фелерацияси президенти Ҳуснитдин Назиров ва бошқалар бор. Ҳозирги пайтда улар республикала жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришда фиол иштирок этмоқдалар.

О. Назировнинг сермаҳсул меҳнати раҳбарият томонидан муносиб тақдирланиб, 1983 йил июнда у Ўзбекистонда хизмат курсатган тренер унвонига сазовор бўлди.

О. Назиров Ўзбекистон «Меҳнат резервлари» КСЖ раиси (1974—1984 йй., 1986—1990 йй.); Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қумиши раиси уринбосари (1984—1985 йй.), сўнгра раиси (1990—1992 йй.), 1992 йил октябрь ойидан 1994 йил априль обигача — Ўзбекистон Миллий олимпия қумиши президенти этиб тайинланган. Бу йилларда унинг бисоётига раҳбарлиги остида Ўзбекистон спортчиларини ҳалқаро мусобақаларга ҳамда Барселонадаги Олимпиада ўйинларига тайёрлаш ва унда иштирок этиш амалга оширилди.

СССР парчаланғандан сўнг, собиқ Иттифоқ республикаларида МОҚни ташкил этиш ҳамда ҳалқаро спорт ҳаракатида ва Барселонадаги (1992 й.) Олимпия ўйинларидан иштирок этиш учун унинг ХОҚга қабул еланнини зарур бўлиб қолди. Шу сабабли Москвада ХОҚ президенти X. А. Самараш чамда собиқ Иттифоқ республикаларининг жисмоний тарбия ҳаракати раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказилди. Бу ерда Барселонада ўйинларидан МДҲ Бирлашган жамоа таркибида қатнишини, тақдирлаш маросимида эса тегишли мусобақаларни мадҳиясини ижро этиш ҳамда байробини саҳифаси 14 гриесида қарор чиқарилди. Бир вақтнинг ўзида Олимпиада картигасига биноан уларни ХОҚда тан олиш билан Миллий олимпия қўмиталарини ташкил этиш 14 гриесида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни улкан ҳиссаси учун О. Назиров 1983 йил тоғли «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ҳодими», 1992 йил августда эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонларини синовор бўлди.

XVII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚҮМИТАСИННИГ ИККИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қумитасининг иккинчи президенти — Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг йирик намояндаси Собиржон Собитович Рўзиевдир. (1953 йилда туғилган).

С. Рўзиев ёшлик йиллариданоқ олимпия спорт тури — қиличбозлик билан шуғулланган. Мусобақаларда муваффакият билан қатнашиш, ушбу спорт турининг ўзига хос хусусиятлари: тафаккурга эга бўлиш, унинг назарияси ҳамда амалиётини чукур билиш — Собиржонни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига етаклади. Ушбу олий укув юртини тугатгач, у қиличбозлик бўйича маҳоратли тренерга айланди. Кейинчалик, МОҚ президенти бўла туриб, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш соҳасида ута бандлигига қарамай, у тренерлик ишидан воз кечмади. Чунки бу унинг учун ҳаётининг ажралмас қисми, маъмурий ишдан амалий, севимли ишига утиш воситаси эди. Айнан шу нарса унга спорт формасини сақлаб туришга, қиличбозлик сирлари ва санъатини ёш авлодга беришга имкон яратди.

С. С. Рўзиев Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқ терма жамоаси аъзоси сифатида шарафли спорт йўлини босиб ўтган. Уни олимпия дунёси яхши танийди, у икки марта Монреал ва Москвадаги Олимпия уйинларида иштирок этган. Москвадаги Олимпиадада рапира мусобақаларида жамоа ҳисобида кумуш медал совриндори бўлган. У уч карра жаҳон чемпиони (1972, 1974, 1976 йй.), икки марта Бутунжаҳон талабалар универсиадаси чемпиони (1974, 1977 йй.), икки марта Джованнини ва Мартини Кубоги соҳиби бўлган. Шу йилларда у бир неча бор Ўзбекистон ҳамда собиқ Иттифоқ спартакиадалари, чемпионатлари ва Кубоклари чемпиони бўлган. 1980 йилда спортдаги ютуқлари учун у «СССРда хизмат кўрсатган тренер» унвонига сазовор бўлган.

Собиржон Рўзиевнинг спортдаги улкан ютуқлари, унинг юксак маънавияти, зиёлилиги ва спортга садоқати ҳар доим давлат раҳбарлари диққатини жалб қилиб

шар эли. Спорт фаолияти якунида у жисмоний тарбияни спортни ривожлантириш бўйича давлат ҳамда жисмонияниларига тез-тез жалб қилина бошлади: 1992 йил ишустуда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, 1994 йил 8 апрельдан Миллӣ Олимпия қўмитаси президенти бўлди. У МОҚга раҳбарлик қилган йилларда мамлакатимиз олимпия ҳаракати катта муваффақиятларга эришди, Собиржон Собитович эса Ҳалқаро Олимпия қўмитаси нашиборига тушиб, 1998 йилда ХОҚнинг кумуш ордени бишни тикдириланди. С. С. Рузиев раҳбарлиги остида Ўзбекистон МОҚ олимпия спорт турларини ривожлантириш билан чекланиб қолмади. С. С. Рузиев ўзининг шиккялотчилик қобилияти ва олимпия ҳаракати бўйича билимларини Ўзбекистонда олимпия гояларишини тирадигиши, ўқувчилар ўртасида олимпия таъминотини жорий этишга йўналтириди. 1994 йилдан буён Ўзбекистонда олимпия ҳаракати муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция мунтазам ўтказиб олинишини, 1996 йилда унинг раҳбарлиги остида олимпия ҳаракатини ўрганувчилар учун биринчи ўқув саломини нашр қилинди. 1998 йилда унинг маърузаси «Писар — фан — олимпизм» ҳалқаро форумида жаҳоннинг Ўзбек олимлари диққатига ҳавола этилди ва у олимпийи муаммоларини ўрганувчи олимларнинг ишлари бадусига сазовор бўлди. С. С. Рузиев Ўзбекистон Олимпий шои-шуҳрати музейи ва Марказий Осиё ўйиндорини ташкил этишда, Ўзбекистон МОҚ раҳбарлиги олини Тошкентда олимпия спорт турлари бўйича муассисалар учун ҳалқаро семинарларни ўтказишида, спортишварни ёти ва кишки Олимпия ўйинлари ҳамда Осиё Университети тайёрлашда, Тошкентда биринчи йиғини ҳалқаро форум — Осиё давлатлари МОҚлари бош сийфатишини кенгашини (апрель, 1999 й.) ўтказишда олини шаммиллар қилди.

Хонарда кунда Собиржон Собитович Рузиев турли ҳалқаро спорт ташкилотларида муваффақиятли ишлаб олди. У ҳалқаро кино ва телевидение федерацияси таъсиси ҳомиди Осиё Олимпия кенгаши қўмитаси ишларини масалалар бўйича аъзоси сифатида ўтказиб олини шаммилларни ривожлантиришга ёрдам бермоқдади. Унду ташкилотлар ва жаҳоннинг олимпия ташкилотлари фофиумлари ишидаги узининг иштирокини у

Ўт фаолиятининг асосий мақсади — Узбекистонда жисмоний тарбияни ривожлантириш ҳамда мамлакатимизни ҳалқаро спорт майдонларида муваффақият билан намоён қилишта бағишлайди.

XVIII. ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ТҮГРИСИДА

Осиё қитъасида энг йирик ва оммавий мусобақалардан бири — бу Осиё ўйинлари булиб, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгандан сунг бу спорт ўйинларда фаол иштирок эта бошлади.

Ўзбекистон биринчи бор, 1994 йили Хиросимада булиб ўтган XII Осиё ўйинларида қатнашди. Бу мамлакатимиз спорт ҳаракати тарихида ўчмас из қолдирди. Ўзбекистон спортчилари, Осиё ўйинларида биринчи бор қатнашаётуб, 41 та медал (10 та олтин, 11 та кумуш, 20 та бронза) соҳиби бўлдилар, умумжамоа ҳисобида эса иштирок этган 32 та мамлакат ичидаги фахрли бешинчи ўринни эгалладилар. Таъкидлаш жоизки, Осиё ўйинлари тарихи 1949 йилда Дехлида Осиё ўйинлари Федерациясининг (АГФ) ташкил қилинишидан бошланади. Ўша пайтларда Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Покистон ва Филиппин давлатлари федерация ташаббускорлари ва таъсисчилари бўлган бўлса, кечроқ бошқа мамлакатлар ҳам қўшилди ва уларнинг сони 20 тага етди. Ҳозирги пайтда Федерацияга Осиё қитъасидан 44 давлат, жумладан, Марказий Осиё минтақасидан 5 та мустақил давлатлар (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тоҷикистон) кирган.

I Осиё ўйинлари 1951 йил мартда Дехлида (Ҳиндистон) бўлиб ўтган. Ўша даврдан бери 13 та ўйин ўtkазилган. Осиё ўйинлари ҳам 4 йилда бир марта, Олимпия ўйинларидан 2 йил ўтгандан сўнг ўтказилади. Ўйинларда Осиё мамлакатларининг ҳаваскор спортчилари қатнашиши мумкин.

Ўйин дастури ва иштирокчилар сони мунтазам кенгайиб бормоқда. XII Осиё ўйинларида спортчилар 34 та спорт тури бўйича мусобақаларда қатнашди, иштирокчилар сони эса 7300 та спортчими ташкил этди. Ушбу ўйинларда 337 та медаллар комплекти учун кураш олиб борилди. XIII ўйинларда 44 та спорт тури

бўйича мусобақалар ўтказилди ва бунда 6 мингдан зиёд қитъанинг энг кучли спортчилари 379 та олтин, кумуш ва 478 та бронза медаллари учун кураш олиб бордилар.

Республикамиз спортчилари Бангкокда ўтказилган XIII Осиё ўйинларида 23 та спорт тури бўйича мусобақалашиб, 6 та олтин, 22 та кумуш, 12 та бронза, умумий ҳисобда 40 та медалларини қўлга киритдилар.

Бу натижалар қитъанинг 44 мамлакати орасида 10-уринни эгалланганта имкон берди.

Осиё ўйинлари

Ўйинлар	Шаҳар	Давлат	Ўтказилган йили
I ўйинлар	Дехли	Хиндистон	1951
II ўйинлар	Манила	Филиппин	1954
III ўйинлар	Токио	Япония	1958
IV ўйинлар	Жакарта	Индонезия	1962
V ўйинлар	Бангкок	Тайланд	1966
VI ўйинлар	Бангкок	Тайланд	1970
VII ўйинлар	Текрон	Эрон	1974
VIII ўйинлар	Бангкок	Тайланд	1978
IX ўйинлар	Дехли	Хиндистон	1982
X ўйинлар	Сеул	Жанубий Корея	1986
XI ўйинлар	Бейжинг	Хитой	1990
XII ўйинлар	Хиросима	Япония	1994
XIII ўйинлар	Бангкок	Тайланд	1998

XIX. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИМПИЯ АКАДЕМИЯСИ

Хашқаро олимпия академияси (ХОА) 1961 йилда ташкил қилинган. Бу олимпия ҳаракати фоялари, жисмоний тарбия ҳамда спорт назарияси ва амалиётини ташкил ҳамда тарғиб қилиш бўйича ихтинослашган мусасаси бўлиб, ХОҚ раҳбарлиги остида ҳаракат қиласиди. Греция (Юнонистон), МОҚ томонидан молиятни ташкилланади. ХОА манзили — Олимпиядир. Унинг инниятларининг 74 та олимпия академияларини билдириш. Унинг фаолияти ХОҚнинг маҳсус комиссияларидан ташкил қилинади.

сияси томонидан бошқарып борилади ва назорат қилинади.

ХОА ҳар йили ҳафталик сессиялар ташкил қилиб туради. Уларнинг дастуридан фалсафа ва спортнинг мағкуравий муаммолари, олимпия ҳаракати тарихи, спорт тренировкаси ва жисмоний тарбиянинг назарий ҳамда усулий масалалари бўйича маъruzалар ҳамда семинарлар жой олган.

Ушбу сессияларга МОҚ етакчи олимлар, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, талабалар, аспирантлар, спортчиларни — умумий сони 4000 дан зиёд кишиларни юборади.

1987 йил 18 Февралдан бошлаб собиқ Иттифоқ олимпия академияси, унинг раҳбарлигига эса Ўзбекистон олимпия академияси ташкил қилинган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг 1993 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ташкил этилди. ЎзР Оа президенти проф. А. К. Ҳамроқулов ва унинг ижроия директори доц. Б. С. Раджалов таркибидаги делегация 1994 йилда Олимпиада бўлиб ўтган ХОАнинг сессиясида иштирок этди.

ЎзР Оанинг 12 кишидан иборат ижроия қўмитаси таркибига етакчи олимлар, ўқитувчилар, тренерлар ва олимпия ҳаракати арбоблари киритилган.

ЎзР Оа уставда айтилишича, ЎзР МОҚ раҳбарлиги остида ҳаракат қиласидан кўнгилли жамоат ташкилоти ҳисобланади.

Ҳозирда Республика Олимпия академиясига Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, физиология кафедраси мудири, профессор Абдуҳамид Қодирхонович Ҳамроқулов раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оа мақсадлари олимпизм, олимпия ҳаракати ва Олимпия ўйинларининг инсонпарвар қадриятлари тамойиллари ва ғояларини ўрганиш, тарқатиш, оммалаштириш ҳамда кейинчалик ривожлантиришдан иборат. ЎзР Оанинг долзарб вазифаси бўлиб мамлакатимиз аҳолиси олимпия таълимотининг ташкилий ва илмий-усулий асосларини яратиш, минтақавий Олимпия академиялари билан алоқалар ўрнатиш ҳисобланади.

Ўзбекистон олимпия академиясининг (ЎОА) ташкилий туизмаси

«Эъоссан»	*Соғолом	Ўзбекистон	Давлат	Халқ	Олий
жизнарь-	автол учун*	касаба	спорт	татымы	татым
масли	жамгараси	урушмалари	кумитаси	вазирлиги	вазирлиги
ЖТСЖ	Жамгараси	ИУК	ИУК	вазирлиги	вазирлиги

ЎОА СИССИЯСИ

Президент

1 шице-президент

Президиум

Вице-президентлар

Ижроия Қўмига

КОМИССИЯЛАР

Олимпия
кутубхонаси

2

3

4

5

6

Олимпия шон-
шудрати музейи

ВИЛЮЯТ ёКИ МИНГТАКАВИЙ ЎОА

ХХ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИ

Олимпизм ва олимпия ҳаракатини тарғиб қилиш янада янги шаклларга эга бўлмоқда. Олимпия музейлари мана шундай ташкилий шакллардан бири ҳисобланади. Уларнинг биринчиси 1993 йил 23-июнда Х. А. Самаранч ташаббуси билан Лозаннада (ХОҚ штаби-квартираси жойлашган ерда) ташкил қилинган. 1995 йилда бу музей жамоатчилик томонидан юксак даражада тан олинган: унга Европада йилнинг энг яхши музейи соврини топширилган.

Лозаннадаги Олимпия музейи олимпия ҳаракати тарихининг ажойиб ибодатхонаси ҳисобланади. Шу билан бирга у ҳалқаро олимпия ҳаракати ўтмиши ва ҳозирги пайтини бирлаштирулчи самарали ахборот ҳамда тарғибот марказидир. Музейда турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун ажойиб шароитлар яратилган. Санъат, айниқса, бадиий кўргазмаларни ташкил қилишга катта эътибор берилади. Унда илмий-техника тараққиётининг энг охирги ютуқларидан оқилона фойдаланилади.

1996 йил 2 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон олимпия шон-шуҳрати музейи очилди. Ушбу воқеанинг қанчадик катта аҳамиятта эга эканлиги яна шундан маълумки, мазкур музей очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва уна пайтда Осиёда ягона ва ноёб бўлган олимпия музейининг очилиши маросимида иштирок этиш учун маҳсус етиб келган Х. А. Самаранч қатнашди. Маросимда спорт фахрийлари, Олимпия ўйинлари совриндорлари ва иштирокчилари, дипломатик корпус, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари, пойтахт жамоатчилиги ҳамда журналистлар иштирок этди.

Карнай ва сурнай наволари остида миллий либослардаги қизлар ўзбек ерининг ажойиб гулларини юксак меҳмонларга тақдим этдилар. Йигилганлар олдида И. А. Каримов сўзга чиқди. У янги музей нафақат экспонатларни намойиш қилиш жойи, балки Ўзбекистонда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази бўлиши, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга катта ҳисса қушиши лозимлигиди таъкидлаб ўтди. («Правда Востока». 1996 й, 3 сентябрь), Сўнгра Ўзбекистон Республи-

каси Президенти И. А. Каримов Х. А. Самаранчга олимпия ҳаракатини ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорлик, ҳалқлар ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон спортини қўллаб-кувватлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон ҳукуматининг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

ХОҚ президенти жавоб нутқида бу юксак мукофотни ҳалқаро олимпия қўмитасининг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, спортни ривожлантириш ишига кулиган ҳиссасини тан олиш сифатида қабул қилаётганинги таъкидлаб ўтди. «Президент И. А. Каримов, — таъкидлади у, спортнинг жамият ҳаётидаги ўрнига катта эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам сизнинг давлатингизда спорт тез суръатда ривожланмоқда. Мен ишонаманки, музей ўзбекистонлик спортчилар турли жаҳон мусобақаларида қўлга киритадиган медаллар билан тулдириб борилади». («Правда Востока». 1996 й., 3 сентябр).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва ХОҚ президенти Х. А. Самаранч янги музейга кириш олдида лентани қирқдилар. Экспонатларни кўздан кечириш давомида Х. А. Самаранч шундай фикр билдириди, ушбу музей Лозаннадаги Олимпия шоншуҳрати музейидан қолишадиган жойи йўқ. Ҳақиқатланган ҳам, бу ерда қимматбаҳо экспонатлар куп бўлиб, улар нафақат Ўзбекистон, балки ҳалқаро олимпия ҳаракати, миллий спорт турлари тарихи ҳамда Ўзбекистон спорти анъаналари тўғрисида ҳикоя қиласди. У музейга қимматбаҳо экспонатлар совға қилди.

Музейнинг қимматбаҳо экспонатлари — бу Президент И. А. Каримов совға қилган ҳалқаро спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланган мукофотлари: ХОҚнинг Олтин Олимпия ордени, Осиё Олимпия кенгашининг Олтин Олимпия ордени, Ҳалқаро ҳанаскорлар кураш федерациясининг «Олтин маржони». Улар музейда марказий ўринни эгаллади.

Музейда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид ҳужжатлар фондини яратиш бўйича ҳар томонигама иш олиб борилади. Бу ерда давлатимизнинг спорти ва олимпия ҳаракати тарихи тўғрисида ҳикоя қилинучи материаллар тўпланади ҳамда кўргазмага қўйилиди. Мамлакатимиз олимлари ўзбек спорти тарихига

оид материалларни йигиши ва таҳлилий кўриб чиқиш борасида йирик ҳажмда ишларни бажардилар. Ўзбекистоннинг таниқли ва буюк спортчилари олимпия масканига ўзларининг спорт мукофотлари, фотосуратлари, газеталардан олинган ҳужжатлар, ёрлиқлар, дипломлар, спорт нишонлари, вимпеллар ва бошқа жисмоний тарбия ҳаракати тарихига оид материалларни топширдилар.

Материалларнинг кенг ва турли экспозицияси, бинонинг узига хос бетакрор архитектураси, музейнинг ўзбек услубида бажарилган ички қисми хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда. Бу ҳақда ҳалқаро спорт ташкилотлари вакиллари музейда Узбекистон давлат спорт қўмитаси, МОҚ, раҳбарияти, етакчи спортчилар ва мутахассислар билан бўлган учрашувларда ўз нутқларида таъкидлаб ўтадилар.

1997 йилда музейга ташриф буюрган меҳмонлар рўйхати:

2 марта Узбекистон ва Россия спорт арбоблари учрашуви бўлиб ўтди. ЦСКА ва МХСК жамоалари вакиллари эсдалик совғаларини бир-бирларига топширдилар, музейга эса ЦСКА кубоги ва вимпели берилди. Спортчиларни Узбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, спорт клублари раҳбарлари табриклидилар. Улар бундай учрашувлар футболни янада ривожлантиришга ёрдам беришини таъкидладилар.

22 марта Япония дзюдочилари вакиллари (ёшлар ва ўсмирлар терма жамоа аъзолари) музей экспозицияси билан танишдилар. Миллий кураш тури, А. Григоряннинг профессионаллар ўртасида бокс бўйича З карра жаҳон чемпиони унвони учун олиб борган галабали беллашуви видеоёзуви япониялик спортчиларда катта қизиқиш уйғотади.

3 апрелда «Пахтакор» футбол жамоаси ўйинчилари ва тренерлари музей месъмони булдилар.

21 апрелда таэквондо бўйича таниқли мутахассис жаноб Джун Ри (АҚШ) билан учрашув утказилди. Уни Давлат спорт қўмитаси ҳамда МОҚ вакиллари қизгин табриклидилар. Жаноб Ри юқори малакали спортчилар тренировкаси ва тайёргарлиги усули тутрисида гапириб берди. Шу масала бўйича матбуот анжумани ўтказилди. Унда Давлат спорт қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Т. Тулаганов, ЎзДЖТИ спорт кураши кафедраси

мудири Ф. А. Керимов ҳамда спорт шарҳловчилари, спортчилар, ЎзДЖТИ талабалари жаноб Рининг ўқитиш тўғрисидаги видеофильми билан танишдилар.

30 апрелда музей экспозицияси ва унинг иши билан футбол ҳаракати ташкилотчилари ва маъмурлари учун ташкил этилган халқаро Марказий Осиё семинари қатнашчилари танишиб чиқди. Семинарда Осиёнинг ФИФА бўлими президенти Дито Питер Вилоппан (Малайзия), ФИФА нинг маъсул вакили Йорг Ненфер, давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, давлат спорт қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Т. Тўлаганов, футбол клублари раҳбарлари ҳамда тренерлар (Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистон) иштирок этдилар. Давлат спорт қўмитаси номидан меҳмонларга эсадалик совғалари ва вимпеллар топширилди. ФИФАнинг Осиё бўлими президенти жаноб Дито Питер Вилоппан музей ҳамда унинг экспозициясига юқори баҳо берди.

15 майда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримова Осиё спорти ва Олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Осиё Олимпия Кенгашининг Олтин орденини топшириш учун келган Осиё Олимпия Кенгаши президенти Кувайт шайхи Аҳмад ас-Сабаҳни кутиб олди. Юқори мартағали меҳмонни Ўзбекистон МОК президенти С. С. Рузиев табриклади.

Жаноб Аҳмад ас-Сабаҳ билан учрашувда МОК вице-президенти Л. Павлова, МОК бош котиби И. Барабан, бўлим боплифи А. Бурхонов, телевидение, газета ва радио шарҳловчилари қатнашдилар.

23 майда Осиё минтақасидаги ФИНАга ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтказилган синхрон сузиш бўйича ҳакамларнинг халқаро семинари катнашчилари музей экспозицияси билан танишдилар. Улар орасида ФИНА сув спорт турлари халқаро федерацияси президенти жаноб Штефи Хаберли, Европа синхрон сузиш бўйича техник қўмита раиси Систо Салера, Индонезия, Россия, Малайзия, Марказий Осиё давлатлари мутахассислари бор эди.

3 шонда ХОК вакили О. Воронцов ва Испаниядан келган спорт иншоотлари бўйича мутахассислар музей иши ҳамда унинг экспозицияси билан танишди. Меҳмонлар музей материалларига ва унинг архитектурасига юқори баҳо бердилар.

4 июня Давлат спорт құмитаси раиси Б. М. Махситов, Япониянғы миллий кураш — сумо вакилларини музейда кутиб олди. Оммавий ахборот воситалари ва спорт жамоатчилиги вакиллари билан матбуот аңжумани ўтказилди. Япония курашчилари билан бўлган учрашувда Давлат спорт құмитаси раиси ўринbosари Ш. Т. Тўлаганов, кураш федерацияси раҳбарлари, етакчи мутахассислар, тренерлар ва спортчилар қатнашди.

18 июня Ўзбекистонда Франциянинг Фавкулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар, элчинона хизматчилари музей меҳмони булдилар. Давлат спорт құмитаси раиси Б. М. Махситов, Ўзбекистон Олимпия шоншуҳрати музейининг ташкил қилиниши тарихи, Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистонда спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги ташабbusлари тўғрисида гапириб берди. Спорт соҳасида ўзбек-француз алоқалари масалаларига оид фикрлар алмашилди.

25 июня Индонезия бокс федерацияси раҳбарлари, унинг президенти Пауль Тодинг, бош котиби Ди-дит Судието билан учрашув ўтказилди. Ўзбекистон Давлат спорт құмитаси раиси ўринbosари Ш. Т. Тўлаганов, бокс федерацияси вице-президенти В. Ш. Шин префессионаллар ўртасида кўп карра жаҳон чемпиони А. Григорян, республика мутахассислари ва спортчилари қатнашди. Фикрлар алмашилди, миллий федерациялар ўртасида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон боксчиларининг Индонезия президенти кубоги мусобақаларида иштирок этиши тўғрисида сұхбатлар булиб ўтди.

31 шулда Хитой спорти вакиллари билан учрашув ўтказилди. Меҳмонларни Давлат спорт құмитаси раиси Б. М. Махситов табриклаб, шуни таъкидлади, Хитой дунёдаги энг йирик спорт давлатларидан бири бўлиб, Хитой ва Ўзбекистон — иккита Осиё мамлакатлари ўзларининг спорт алоқаларини мустаҳкамлаши ҳамда ривожлантириши лозим. Меҳмонларга Давлат спорт құмитаси номидан эсдалик совгалари топширилди. Жавоб нутқи билан Давлат спорт құмитаси раиси ўринbosари, XXР СУАР МОК президенти ўринbosари Чант Ван Жоу сўзга чиқиб, Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистонда спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, унинг Олимпия шон-шуҳрати музейини ташкил қилишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. Музей меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

16 октября музей иши, унинг экспозицияси, кенг қамровли видеоматериаллар, жумладан спорт турла-рига оид илмий материаллар билан Узбекистон Давлат спорт қўмитаси меҳмони, шарҳловчи ва журналист Акиро Одашима (Япония) танишиб чиқди. Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов япон журналистининг куп сонли саволларига жавоб қайтарди.

6 ноября музей иши ва унинг экспозицияси билан Монголия МОҚ вице-президенти, Осиё МОҚ кенга-ши аъзоси С. Жамтс, Монголия бейсбол федерацияси президенти Р. Халиун, Осиё бейсбол федерацияси бош котиби Ю. Маеда (Япония) танишиб чиқди. Меҳмонларга Ўзбекистон МОҚ вице-президенти Л. Павлова ҳамроҳлик қилди.

25 ноября Испаниянинг Фавқулодда ва Мухтор элчisi жаноб Шэш Гри музейга ташриф буюрди. У экспозиция ва материаллар билан танишиб чиқиб, фахрий ташриф буюрувчилар китобига ўз дил сузларини ёзиб қолдирди. Узбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов билан Ўзбекистон ва Испания ўртасида спорт соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича стол атрофида суҳбат уюштирилди.

27 ноября Ўзбекистонда Мисрнинг Фавқулодда ва Мухтор элчisi доктор Маҳмуд Шауки музей меҳмони булди. Жаноб элчи экспозицияни кўриб чиқиб, Осиё қитъасида ягона бўлган музейга юқори баҳо берди. Миср элчisi ва Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов уртасида иккита давлатларнинг спорт ташкилотлари ўртасида янада яқин алоқаларни урнатиш жиҳатларини муҳокама қилиш бўйича суҳбат булиб ўтди.

4 декабря Ўзбекистонда Покистоннинг Фавқулодда ва Мухтор элчisi жаноб Шере Рашид ҳамда унинг ҳамроҳлари музейга ташриф буюрдилар. Жаноб элчи давлат ташкилотлари ва айниқса, Президент И. А. Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қарати-лаётган катта эътиборни таъкидлаган ҳолда фахрий ташриф буюрувчилар китобида ўз ёзувини қолдирди.

12 декабря Япония спортни ривожлантириш бўйича Давлат агентлиги раҳбари жаноб Н. Ямазаки ва Узбе-кистон Давлат спорт қўмитаси раиси уринбосари Ш. Т. Тўлаганов, профессор Т. Т. Юнусов, Н. В. Еремчуклар музейга ташриф буюрди. Япониялик меҳмон мамлакатимизда олимпия гояларининг ривожланиши тўғриси-

даги экспозиция ва материаллар билан танишди, Ўзбекистон спортчиларининг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига юқори баҳо берди.

Музейнинг бутун фаолияти олимпизм гояларини таргиг қилишга қаратилган. Бу масалалар музей ходимлари томонидан тайёрланган бир қатор ишларда ўз аксини топган: «Ўзбекистонда олимпизм гоялари ва олимпия уйинларини таргиг қилишда Олимпия шон-шуҳрати музейининг аҳамияти» мақоласи (А. Акрамов, Ш. Баратбаев, Н. Долганова, Д. Сафиязова) (III Республика илмий-амалий конференция материаллари туплами); «Олимпия шон-шуҳрати музейи экспозициясида миллий ўйинларни акс эттирилиши» (А. Акрамов) (IV Республика илмий-амалий конференция материаллари туплами), «От миллий ўйинлари ва мусобақалари» китоби (Р. Абдумаликов), «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тарихи («Олимпия шон-шуҳрати музейи материаллари асосида»)» ўкув қўлланмаси (А. Акрамов), «Маъruzачилар ва экскурсия олиб борувчилар учун Олимпия шон-шуҳрати музейи экспозициялари бўйича услубий қўлланма» (А. Акрамов, Д. Сафиязова), «Ўзбекистонда қадимги ва ҳозирги пайтда спорт услубий қўлланмаси (А. Акрамов).

Экспозиция ва музей фондини рўйхатга олиш бўйича амалга оширилган катта иш якунланган бўлиб, экспонатлар сони ўн мингдан зиёддир.

Бугунги кунда музейга ташриф буюрувчилар янги материаллардан ташкил этилган экспозиция билан танишишлари мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига бағишлиланган. Айнан шундай ҳиссаси учун халқаро спорт ташкилоти мукофотларига сазовор бўлган, профессионал бокс бўйича 14 карра жаҳон чемпиони Артур Григорянга бағишиланган экспозиция: чемпионлик олтин камари, лавр гулчамбари, 1996 йилинг энг яхши спортчиси кубоги; Ўзбекистонда шоҳмотнинг ривожланиши тўғрисидаги бўлимдир.

Амалдаги экспозициялар мунтазам янги экспонатлар билан тулдириб борилади. «Матонат» клуби спортчилари томонидан музейга совға қилинган ногирон спортчилар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпиони-

ти кубоги, фристайл бўйича жаҳон кубоги мусобақаларида расмий ҳомий — «Грундик» фирмасининг Л. Черязовага топширган эсдалик медали, миллий ўйинлар ва шоҳмотнинг ривожланиши тўғрисидаги материаллар музейдан ўрин олган.

Музей фонди спорт гимнастикаси бўйича III Осиё чемпионати кубоги, таэквондо бўйича халқаро турнирдаги II ўрин учун кубок, «Матонат» клуби спортчиларининг халқаро учрашувлари тўғрисидаги материаллар ва шу учрашувларда қўлга киритилган кубоклари, Тошкент шаҳар югуриш ҳаваскорларининг «Кентавр» клуби фаолияти түғрисидаги материаллар билан бойиди.

Музейнинг китоб ва журналлар фонди анча тўлдирилди. Мутахассислар Олимпия ўйинлари тарихи, уларнинг турли мамлакатларда ташкил қилиниши, турли спорт турлари бўйича тренировкаларини ўтказиш хусусиятлари, замонавий спорт иншоотларини бунёд этиш янгиликлари түғрисида янги материаллар билан танишишлари мумкин.

Музей видеокассетасида професионал бокс бўйича куп карра жаҳон чемпиони А. Григоряннинг ғалаба беллашувлари, Бангкокдаги Осиё ўйинлари, Лиллемхаммердаги Олимпиада иштирокчилари — фигурали учиш бўйича спортчиларимиз А. Стериаду ва В. Разгуляев, Фориш миллий ўйинларининг ўтказилиши тўғрисидаги янги материаллар мавжуд.

Музей мухим спорт тадбирларини ўтказиш жойига айланган. 1997 йилда музей томонидан амалга оширилган тадбирларни келтириб ўтамиш:

13 январда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан армиячи спортчилар билан учрашув ўтказилди. Уларни Ўзбекистон Республикасида Давлат спорт қумитаси раиси Б. М. Махситов, Мудофаа вазири Р. Аҳмездов қизғин табриклади. Ўрнак бўлган спортчиларга эсадалик совғалари топширилди.

13 январда ўзбек шоҳмотчилари қўлга киритган шаҳар терма жамоалари уртасида шоҳмот бўйича Осиё кубогини музей фондига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Шоҳмот федерацияси раиси жамоа аъзолари номидан вакил бўлди.

7 январда Жиззах шаҳар олий ўкув юртлари талабалари на ўқувчилари экспозицияларни томоша қилди-

лар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси раиси билан учрашдилар. Раис Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши тўғрисида меҳмонларга гапириб берди. Вилоят ҳокими муовини С. Тўйчиева Давлат спорт қўмитаси ва музейга миннатдорчилик билдириди. Унбу учрашув қатнашчиларига Давлат спорт қўмитасининг эсдалик кўкрак нишонлари тақдим этилди.

21 январда АҚШда булиб ўтган кимошди савдосида «Агроплюс», «Ҳаво йўллари», «Ўзбек олтин» фирмалари ёрдамида МОҚ томонидан сотиб олинган янги экспонатларни музейга топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари А. А. Азизхўжаев, МОҚ вакили О. Воронцов сўзга чиқиб, спортчиларни олимпизм тояларини амалда рўёбга чиқаришга ундали ва Олимпия шон-шухрати музейининг фаолиятига катта баҳо берди. Маросимда Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов ва қўмита мутахассислари, Ўзбекистон МОҚ вакиллари Л. Павлова, И. П. Барабан, спортчилар, тренерлар, спорт шарҳловчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.

22 январда музей экспозицияси билан Республика Президент академияси тингловчилари танишди. Уларга Ўзбекистонда олимпия ҳаракати, Олимпия ўйинлари, спортнинг ривожланиши тўғрисида маъруза ўқиб эшитирилди.

3 февралда ИИВ мактаби курсантлари музей фаолияти билан танишдилар.

19 февралда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишлиланган спорт жамиятлари, спорт мактаблари, футбол клублари раҳбарларининг кенташи бўлиб ўтди. Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов футболни ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, клубларда футбол бўйича профессионал жамоаларни ташкил этиш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. Фарғона, Қашқадарё, Навоий вилоятларининг футбол клублари ҳамда спорт мактаблари вакиллари, шунингдек, профессор Т. С. Усмонхўжаев ўзларининг нутқларида иқтидорли ёшлар орасидан спортта саралаш муаммосига алоҳида тұхталиб ўтдилар. Шу сабабли Б. М. Махситовнинг футбол бўйича вилоят, футбол клублари биринчиликларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

21 февралда Узбекистон гимнастика федерациясининг спорт акробатикаси бўйича III Осиё чемпионати кубогини музейга топшириш маросими бўлиб ўтди. Спортчиларни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов табриклади.

27 февралда Эрон, Туркия, Хитойда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда Ўзбекистон курашчилари кўлга кириттан кубоклар ва совринларни музейга совға қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди. Давлат спорт қўмитаси, МОК, кураш федерацияси вакиллари, спортчилар Киевдаги халқаро турнир юлиблари ва совриндорлари — Р. Хинчагов (1 ўрин), Р. Исмаилов (2 ўрин), Р. Захартдинов; А. Рўзиевларни (5 ўрин) қизғин табрикладилар.

Кураш федерациясининг Бош котиби К. Аблаев, эркин кураш бўйича терма жамоа Бош тренери М. Рўзиев музейга эсадлик совғалари ва вимпелларни топширдилар. Курашчилар номидан Р. Хинчагов нутқ сўзлади.

28 февралда Узбекистон ватерполчилари терма жамоаси музей меҳмони булди. Улар экспозиция билан танишдилар, сув полоси бўйича турнирни томоша қилдилар, музей видеомониторлари ёрдамида ўйин ҳамда тренировка жараёнини таҳлил қилиш орқали машғулот ўтказдилар.

18 марта ИИВ ходимлари музейга ташриф буюрди. Улар ҳам миллий спорт турлари, Ўзбекистон жамоасининг Атлантада бўлиб ўтган Олимпия ўйинларидаги иштироки тўғрисидаги видеоматериалларни томоша қилдилар.

25 марта Б. С. Митрофанов номидаги спорт соғломлаштириш мажмуасининг очилишига багицлаб музей кўчма кўргазма ташкил қилди. Музей ходимлари спортчиларимизнинг халқаро спорт майдонларидағи ютуқлари, Атлантадаги Олимпия ўйинларидаги иштироки, музейнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва МОК президенти Х. А. Самаранч томонидан тантанали очилиши тўғрисида гувоҳлик беरувчи экспонатлар, шунингдек, кубоклар, совринлар, эсадлик медаллари, вимпелларни кўргазмага куйдилар. Бу очилиш маросими қатнашчилари — спортчилар, тренерлар, сув спорти турлари фахрийлари, БУСМ ўкувчилари, бадий жамоалар аъзоларига Олимпия

шон-шуҳрати музейи билан яқиндан танишишга ёрдам берди. Мажмуманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тулаганов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

29 марта болалар ва ўсмиirlар футболини янада ривожлантириш масалаларига бағишлиган семинар-кенгаш ўз ишига якун ясади. Унда вилоят спорт қўмиталари, БЎСМ тренерлари, Халқ таълим министри касаба уюшмалари КСЖ раҳбарлари иштирок этди. Уларни МОҚ президенти С. С. Рўзиев табриклади. У ўз нутқида ўсиб келаётган ёш ўзбек футболчилари билан ишлаш сифатини ошириш учун ушбу бўлиб ўтган семинар-кенгашнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлadi.

Болалар ва ўсмиirlар футболи буйича кўзга кўринган мутахассисларга Давлат спорт қўмитаси ҳамда МОҚ номидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

29 марта иқтидорли болаларнинг Республика слёти қатнашчилари музей экспозицияси билан танишдилар. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпогистон вакиллари Олимпия ўйинлари ҳамда мамлакатимизда олимпия ғояларининг ривожланиши тўғрисидағи маърузани тингладилар. Полиэкронда уларга Ўзбекистон спортчиларининг ғалабали учрашувлари ва беллатшувлари намойиш қилинди.

31 марта ўзбек спорти фахрийси, енгил атлетика буйича рекорд ўрнатган спортчи М. Д. Топорованинг таваллудига 85 йил тўлиши муносабати билан ушбу кутлуг санани нишонлаш маросими ўтказилди. Юбилиярни Давлат спорт қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Т. Тўлаганов, енгил атлетика федерацияси, спорт жамоатчилиги вакиллари қизғин табрикладилар. Сузга чиққанлар М. Д. Топорованинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасига қўшган катта ҳиссасини алоҳида таъкидлаб, унга эсдалик совғаларини топширдилар.

4 апрелда «Байнал-Минал» жамоасининг футбол буйича ногирон спортчилар ўртасида халқаро турнирда қўлга киритган мукофотларини музейга тантанали топшириш маросими булиб ўтди. Жамоа аъзолари, тре-

нерларни Ўзбекистон МОҚ президенти С. С. Рўзиев табриклаб, уларга дипломлар ва эсдалик совгаларини топширди. «Байнал-Милал» клуби президенти И. Крицкий икки карра жаҳон чемпиони ҳамда Россия чемпионати совриндори булган жамоа номидан катта ва мини футбол бўйича кўлга киритилган спорт мукофотлари, расмларни музейға топширди.

26 апрелда жисмоний тарбиячилар кунига багишлаб соғломлаштирувчи югуриш бўйича кросс мусобақалари ўтказилди. Унда федерациялар ва спорт жамиятлари вакиллари ҳамда БЎСМ тренерлари, олий ўкув ўртлари талабалари, спорт фахрийлари ва югуриш ихлосмандлари иштирок этдилар. Уларни Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов табриклаб, 1996 йилнинг энг яхши спортчилари ҳамда уларнинг мураббийларига эсдалик совғаларини топширди. МОҚ вице-президенти Л. Павлова ватанимиз спорти фахрийларига қимматбаҳо совғалар топширди.

17—18 июнда Улугбек республика жамғармаси вакиллари ва иқтидорли ёшлар семинар қатнашчилари музей иши, экспозицияси ҳамда видеоматериаллари билан танишдилар. Улар орасида Бишкек шаҳар Республика болалар ва ўсмирларни ривожлантириш маркази вакиллари иштирок этди.

30 июнда Андижон вилояти олий ўкув ўртлари талабалари, коллежлар ва мактаб ўқувчилари музей меҳмони бўлди.

Уларга Ўзбекистонда спортнинг ривожланиши ҳамда бу соҳадаги ютуқлар, олимпия ҳаракати ва Олимпия ўйинлари тарихи тўғрисида маъруза ўқиб эшиттирилди.

30 июнда Ўзбекистон ўқотиши федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Федерация бош котиби А. Солиевнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов; стенда ўқотиши бўйича катта тренер А. Лустин сўзга чиқдилар. Федерация раҳбариятига сайловлар ўтказилди. Р. Х. Ҳайдаров унинг президенти, Р. Ибрагимов вице-президенти этиб сайланди.

1 июлда Осиё Олимпия қўмитаси президенти Қувайт шайхи Аҳмад ас-Сабаҳ томонидан Осиё Олимпия кенгапни қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга топширилган Олтин Олимпия

орденини музейга тухфа этиш маросими тантанали ра-
виша ўтказилди. Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси
раиси Б. М. Махситов кириш нутқи билан сузга чиқди.
Бош вазир уринбосари А. А. Азизхужаев, Президент
И. А. Каримовнинг Осиё қитъасида жисмоний тарбия
ва спортни ривожлантириш ишига қушаётган улкан
ҳиссасини таъкидлаб утди ва Осиё Олимпия ҳаракати
тарихида биринчи бор Давлат раҳбари ушбу мукофот
билан тақдирланганлигида алоҳида тухталди. Сузга чиқ-
қанлар: ЎзДЖТИ ректори А. К. Ҳамроқулов, Ўзбекис-
тон бокс федерацияси вице-президенти В. Н. Шин,
бокс бўйича кўп карра жаҳон чемпиони А. Григорян-
лар ўзбек спортчилари бундан кейин ҳам юқори ўрин-
ларни эгаллашда ўзларининг бутун кучларини сафар-
бар этишларига ишонч билдирилар.

8 августда Республика қишики спорт турлари мак-
табининг фигурачилар жамоасини чет элга стажиров-
кага жўнатиш маросими ўтказилди. Г. Д. Жоржоладзе
мактаб ва «Кока-кола» фирмасининг келгусидаги ҳам-
корлиги, спортчиларнинг қатор мусобақалар ҳамда тур-
нирларга тайёргарлиги тўғрисида гапириб берди. «Кока-
кола» вакиллари спортчилар ва тренерларга спорт ин-
вентари ҳамда кийимларини совға қилдилар.

20 августда каратэ бўйича жаҳон чемпионати голиблари
ва совриндорларига, шунингдек, оғир атлетика
бўйича тренерларга Давлат спорт қўмитасининг дип-
ломлари ҳамда мукофотларини топшириш маросими
ўтказилди.

Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Мах-
ситов Ўзбекистон спорти байрогини юқорига кўғариб,
ажойиб натижаларга эришганликлари учун спортчиларга
миннатдорчилик билдирилди. Таэквандо федерацияси
президенти Б. Халилов музейга кубок совға қил-
ди. Мукофотланганлар номидан тренер А. П. Ким сўзга
чиқди.

29 августда Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йил-
лиги нишонланиши арафасида «Хантенгри» ва «Фала-
ба» чўққиларини забт этган алпинистларимизни тақ-
дирлаш маросими бўлиб ўтди. Уларни Ўзбекистон МОҚ
президенти С. С. Рўзиев, Президент девони маъсул
ходими, алпинизм федерацияси президенти М. С. Аҳма-
тов, Давлат спорт қумитаси раиси ўринбосари Ш. Т.
Тўлагановлар қизғин табрикладилар. Алпинистларнинг

келгусидаги режалари тўғрисида жамоат сардори О. Григорьев гапириб берди. Уларга Узбекистон МОҚнинг қимматбаҳо совгалари топширилди.

Шу куни алпинистлар жамоасининг 1998—2001 йиллар учун мулжалланган «етти чуққи» лойиҳаси бўйича матбуот конференцияси утказилди. Лойиҳа муаллифи Ю. Беловецкий Ўзбекистон спортчилари олцида турган вазифалар ва муаммолар ҳамда бошқа давлатларнинг шунга ухшаш лойиҳалари тўғрисида гапириб берди. Телевидение, радио ва нашриёт органилари мұхбирлари саволларига Ўзбекистон терма жамоаси бош тренери А. В. Шабанов, экспедиция раҳбари Н. Захаров (Россия), жамоа сардори О. Григорьев, лойиҳа раҳбари ва муаллифи Ю. Беловецкийлар жавоб бердилар.

4 сентябрда Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги нишонланиши сабабли спорт фахрийлари ва ташкилотчилари билан учрашув ўтказилди. Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов уларга сермаҳсул меҳнатлари учун катта миннатдорчилик билдириди, боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатида (Малайзия) кўлга киритган ютуқлари, кураш бўйича жаҳон чемпионатидаги (Красноярск) ғалабалари тўғрисида аҳборот берди. Спортчиларга соғлиқ-саломатлик, баҳт тилаб, Давлат спорт қўмитаси номидан фахрий ёрликлар ҳамда эсадалик совғалари топширилди. Фахрийлар номидан А. Ф. Гаврилов сўзга чиқди.

10 сентябрда Красноярскда бўлиб ўтган кураш бўйича жаҳон чемпионатида ғалабага эришгап спортчиларни ҳамда Францияда утказилган фахрийлар уртасидағи чемпионат ғолибларининг табриклиш маросими бўлиб ўтди.

Кураш ассоциацияси ташаббусига кўра спортчиларга дипломлар ва совғалар топширилди. Чемпионат ғолиблари ҳамда совриндорларини Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, Кураш федерацияси президенти С. Абдувалиев, Кураш ассоциацияси президенти А. Рўзиевлар табриклидилар.

30 сентябрда тренерлар ва мураббийлар, спорт заҳираси тарбиячилари музей меҳмони булдилар. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан байрам дастурхони ёзилди. Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, ЎзДЖТИ ректори А. К. Ҳамроқуловлар табрик сўзи билан қатнашдилар.

3 октября Президент И. А. Каримов Фармони билан Ватан олдидаги хизмати учун таъсис этилган «Ўзбекистон ифтихори» нишони билан тақдирлаш маросими ўтказилди. Биринчи нишон 18 ёшли халқаро грос-смейстер Рустам Қосимжоновга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов тўплантанларни Президент И. А. Каримов Фармони билан таништирди. Тақдирлаш маросимида Бош вазир ўринбосари А. А. Азизхўжаев, Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, МОК президенти С. С. Рузиев, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, спорт жамоатчилиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Р. Қосимжоновга компьютер топширилди.

6 октября I Тошкент шаҳар аёллар спартакиадаси қатнашчилари ва ташкилотчилари билан учрашув ўтказилди. Уларни Давлат спорт қўмитаси раиси Б. М. Махситов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф. Абдуллаева, Ўзбекистон аёллар қўмитаси ҳамда шаҳар жамоат ташкилотлар вакиллари табрикладилар. Таниқли спортчилар, ҳозирги кунда спорт фахрийлари бўлган Р. Салимова ва В. Дуюноваларни табриклаш маросими бўлиб ўтди.

10 октября ёш рассомлар — 1996 йилда музейда ўтказилган «Спорт — болалар нигоҳида» маъзусидаги кўргазма совриндорлари ва лауреатлари музей меҳмони бўлди. Уларнинг ишлари МОК томонидан ташкил қилинган халқаро болалар танловида иштирок этиш учун юборилган бўлиб, бу танловда рассомларимиз бир қатор совринли уринларни эгалладилар. Ўзбекистон МОК кўргазма иштирокчиларига эсдалик совфаларни топширди.

14 октября музей ёш кашфиётчилар Республика фестивали қатнашчиларини қабул қилди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган вакиллар музей экспозицияси, унинг техник жиҳозлари, Олимпия ўйинлари, олимпия ҳаракати тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи видео ва аудиоматериаллар билан танишдилар.

28 октября музейда катта байрам ўтказилди, ўзбек спортчиси, бокс бўйича жаҳон чемпиони (90 кг. тача), Будапештда ўтказилган жаҳон чемпионатининг олтин медал соҳиби Р. Чагаевни тақдирлаш маросими бўлиб

ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Азизхўжаев ҳамма иштирокчиларни бундай улкан салаба билан табриклиди. Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Р. Чагаевни «Ўзбекистон ифтихори» фахрий нишони билан тақдирлаш тўгрисидаги Фармони билан танишитирди. Р. Азимов (ЎзРТИФМБ) жаҳон чемпионига «Нексия» автомашинасининг қалитини топширди. А. А. Азизхўжаев шуни тъкидлаб ўтдики, Президент И. А. Каримов Фармонига мувофиқ (12.04.94. йил) Жаҳон ва Олимпия ўйинлари чемпионига 10 минг АҚШ доллари миқдорида Давлат мукофоти берилади. Р. Чагаев шундай мукофот билан тақдирланди; Т. А. Алимов профессионаллар ўргасида кўп карра Жаҳон чемпиони А. Григорянни «Ўзбекистон ифтихори» нишони билан тақдирлаш тўгрисидаги Президент Фармонини уқиб эшиттирди. Сўзга чиқсан Р. Чагаев, А. Григорянлар, уларнинг тренери В. Шин Президент, ишқибозлар ҳамда тренерларга миннатдорчилик билдириб, янада юкеак натижаларга эришишта айниқса, Сидней—2000 Олимпиадасида муваффақият қозонишга ишонч билдириди.

30 октябрда музей Ўзбекистон миллий ўйинлар ва спорт турларни ривожлантириш муаммоларига бағишлиланган VI Республика илмий-амалий анжумани қатнашчиларини қабул қилди. Анжуман қатнашчилари ушбу мавзуга бағишлиланган музей материаллари билан танишдилар.

12 ноябрда Тошкентда 22—23 ноябрь кунлари эркин кураш бўйича Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги халқаро турнирига тайёргарлик ҳамда уни ўтказишга бағишлиланган матбуот анжумани ўтказилди. Телевидение, республика нашриёт органлари, радио муҳбирлари ва шарҳловчилари саволларига Давлат спорт қўими таси раиси Б. М. Махситов, кураш ассоциацияси президенти А. Рўзиев, кураш федерацияси президенти С. Абдувалиев жавоб бериб, турнир қатнашчилари таркиби, Ўзбекистон жамоасининг унга тайёргарлиги, мусобақаларни ўтказиш ҳамда иштирокчиларнинг яшаш шароити тўгрисида гапириб бердилар.

15 ноября жисмоний тарбия ҳамда спорт ходимлари, югуриш ҳаваскорлари клублари, Тошкент шахар олий ва урта маҳсус укув юртлари иштирокида соғ-

жомлаштирувчи югуриш бўйича шаҳар мусобақалари — «Олтин куз» кросси ташкил қилинди. Шаҳар спорт қумитаси музейга ушбу тадбирни ўтказишдаги фаол иштироки учун маҳсус совға топширди.

21 нояборда эркин кураш бўйича ҳакамларнинг халқаро семинари бўлиб ўтди. Унда ФИЛА вице-президенти жаноб Маринетти қатнашиб, кураш бўйича ҳакамлар халқаро ассоциацияси фаолияти, ассоциация томонидан қабул қилинган халқаро қоидалар ва меъёrlар тўғрисида тапириб берди. Семинарда олдинда турган халқаро турнир — Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги мусобақаларида ҳакамлик қилиш масалалари кент муҳокама қилинди.

25—27 ноябрда музейга Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабалари ташриф буюрди. Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар талабаларда катта қизиқиш уйготди.

26 ноябрда эшкак эшиш бўйича етакчи спортчилар ва тренерларга 1997 йил якупнларига кўра Ўзбекистон Давлат спорт қумитасининг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Давлат спорт қумитаси раиси Б. М. Махситов, раис ўринбосари Ш. Т. Тўлаганов, эшкак эшиш халқаро федерацияси вице-президенти жаноб Сабо, Ўзбекистон эшкак эшиш федерацияси президенти В. Ф. Бойко, сув спорти турлари олий мактаби директори У. Юлдашев, спорт жамоатчилиги, ОАВ вакиллари қатнашди. Давлат спорт қумитаси раҳбарлари етакчи спортчилар ва тренерларга эсадалик совғалари ҳамда дипломларни топширдилар. Жаноб Сабо, Ўзбекистонда эшкак эшиш спортининг ривожланишига катта баҳо берди. Эшкак эшиш федерацияси йирик халқаро мусобақаларда кўлга киритилган мукофотларни музейга совға қилди.

2 декабрда Ўзбекистон Республикасининг бутун спорт жамоатчилиги, Президент девони, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси, Давлат спорт қумитаси вакиллари ногирон спортчиларни халқаро ногиронлар куни билан табриклаш маросимида қатнашдилар. Давлат спорт қумитаси раиси Б. М. Махситов йигилганларни қизғин табриклаб, 1997 йил инсон манфаатлари йили

эканлиги, ушбу масалага катта эътибор қаратилаёт-ганлитигини таъкидлади. «Матонат» жамоаси аъзолари П. Жўраев, Х. Исламов, Т. Волков, К. Якунин, ака-ука Васильевлар, М. Якубжоновлар номи ҳаммага таниш. Улар ногиронлар ўртасида утказилган Олимпиадалар ва жаҳон чемпионатлари галиблариридир. Спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Мукофотланганлар номидан карлар жамияти вакили Ш. Ибрагимов, З-сонли маҳсус болалар уйи директори М. В. Воронцовлар сўзга чиқди. Ушбу тантана муносабати билан байрам дастурхони ёзилди.

3—5 декабря Республикаизнинг турли вилоятларидан келган илмий-техник ва ижодий жамоаларнинг иқтидорли болалари ва усмирларининг Республика семинари қатнашчилари музей меҳмони бўлдилар. Семинар иштирокчилари амалдаги экспозиция билан танишдилар, видеоматериалларни томоша қилдилар.

13 декабря Ўзбекистон теннис федерациясининг 1998 йилда утказилиши мулжалланган ҳисбот-сайлов конференциясига тайёргарлик масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб утди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи ўзининг қисқа фаолияти даврида Ўзбекистонда олимпизм ва спорт ютуқларини тарғиб қилиш марказига айланди. У мамлакатимиз олимпия ҳаракати тузилмасига кўшилди. Унинг иш фаолияти шуни кўрсатдик, Ўзбекистонимизнинг жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид материалларни тизимлаштириш ҳамда экспонат тариқасида намойиш қилиш, уларни сақлаш, ахборот-тарғибот вазифаларини амалга оширишда, спортчилар билан мулоқот қилиш ҳамда уларнинг жамоатчилик билан учрашувларини ташкил этиш, шунингдек, ўқувчилар ва спортчиларнинг таълим-тарбия вазифаларини ҳал қилишда музей катта имкониятларга эга.

XXI. ЮНЕСКОНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ХАЛҚАРО ХАРТИЯСИ

Ҳозирги замонда Олимпия хартияси халқаро спорт ҳаракатида энг эътиборли ҳукуқ манбаи ҳисобланади. Унинг назарий қоидалари, тарихда текширилган, таж-

рибадан ўтган ҳамда цивилизация тарихида спорт мақомини аниқлашда эталон (андоза) сифатида қабул қилинганди. Шу давр ичиде Олимпия хартияси, ХОҚ ва бошқа халқаро спорт ташкилотлари сабабли жисмоний тарбия ва спорт кишилар ҳәётий фаолияти тизимиға құшадиган ҳиссасини мұхим даражада оширди, ақолининг ҳамма қатламлари ҳамда бутун ижтимоий институтлари ривожлантиришнинг зарур таркибий қисмиға айланди. Экологик инқироз ва илмий-техник тараққиёт шароитларида улар инсониятни ҳамда алоқида ҳар бир инсонни сақлаб қолиши омилига айланди. Бу шароитларда Олимпия хартиясининг назарий қоидаларига замон талабига мөсуз үзгартыришларни киритиш зарурияты туғилди. Ушбу хартиянинг яратылғанлығига 100 йил ошғанлиги сабабли, ер ақолиси ҳамда ҳамма давлатлар ҳукуматларини фуқаролар жисмоний тарбияси хусусияти, тамойиллари, шароитларига ҳамда спортни ривожлантиришта йұналтириш мақсадига үзгартыришлар киритилди. Бундай янгиланған ҳұжжат Бирлашған Миллатлар Ташкилоти фаолияти доирасыда яратылди.

Бизнинг давлатимизда Халқаро Олимпия құмита-сининг Олимпия хартиясини жисмоний тарбия ва спорт соңасындағы ҳуқуқ манбаи сифатида яхши биладилар ва үндән муваффақиятли фойдаланадилар. Лекин, афсуски, 1978 йил 21 ноябрда таълим, фан ва маданият мұаммолари доирасыда Бирлашған Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинған жисмоний тарбия ва спорт халқаро хартиясида баён этилған ҳуқуқий қоидалардан тұлалитіча фойдаланылаётгани йүк. Ушбу обрұлы халқаро ташкилот фаолияти масалаларнинг кенг доирасини қамраб олади: саводсизликни йүқотиши, таълим соңасыда камситилиш билан курашиш, ёшларни тинчлик ва халқаро үзаро мұносабатлар руҳида тарбиялаш, миллий маданиятлар, ёшларнинг жисмоний тарбияси ва спортының ривожлантириш мұаммоларини үрганиш. Ёшлар жисмоний тарбияси ва спортының ривожлантириш масаласи жисмоний тарбия ҳамда спорт Халқаро хартиясига ассоц әмалға оширилмоқда. Бунда ЮНЕСКО шундай қонундан келиб чиқадыки, инсон ҳуқуқлари декларациясыда қайд этилған инсон ҳуқуқларини амалға ошириш, күп жиҳатдан ҳар бир әркак ва ҳар бир аёлнинг ўз жисмоний, интеллектуал

ва маънавий қобилияларини эркин ривожлантириш ҳамда сақлаш имкониятига боғлиқ, шунга мувофиқ ҳар бир кишининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланиши таъминланиши ҳамда кафолатланиши лозим.

Жисмоний тарбия, Халқаро хартияси кириш қисми ва ўнта моддадан иборат. Кириш қисмида халқаро спорт ва жисмоний тарбия тизими қурилиш лозим бўлган мұхим тамойиллар ўрин олган. Улардан қўйида-гиларни келтирамиз:

— жисмоний тарбия ва спорт фақатгина жисмоний тарбия ҳамда соғлиқни сақлаш билан чекланмайди, у шунингдек, инсоннинг тўлиқ ва ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради;

— жисмоний тарбия ва спорт асосий инсоний қадриятларни (улар халқларнинг тўлиқ ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласи) урнатиш мақсадида ўзининг тарбиявий таъсирини кучайтириши лозим;

— жисмоний тарбия ва спорт халқлар ўртасидаги сингари алоҳида кишилар уртасида ҳам яқинлашишга, шунингдек, беғараз мусобақалашиш, инсонларнинг бирдамлиги ҳамда дўстлашишга ёрдам беришта интилиши зарур;

— жисмоний тарбия ва спорт инсоният тараққиётiga хизмат қилиши, унинг ривожланишига ёрдам бериши, ҳукуматлар, тегишли подавлат ташкилотлари, маориф ходимлари, оиласалар ва алоҳида шахсларни халқаро хартияга амал қилишга ундаши, уни кент ёйиши ҳамда қўллаши лозим.

«Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланиш — ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқи», деб номланган моддада таъкидланишича, ҳар бир киши ўз давлатининг спорт амъаналарига мувофиқ ўзининг жисмоний ҳолатини яхшилаш ҳамда ўз қобилияларига яраша спорт шатижаларига эришиш мақсадида жисмоний тарбия ва спортда қатнашиши учун ҳамма имкониятларга эга бўлиши зарур.

2-модда жуда мұхим аҳамиятта эга. Унда белгила-нишича, жисмоний тарбия ва спорт таълим ҳамда маданиятнинг энг мұхим жиҳати сифатида, ёшларни ижтимоий ҳаётда, яъни жамиятта қўшилишига ёрдам бериши лозим. Сунг янада мұхим кўрсатма келтирилади: «жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулла-

ниш умумий узлуксиз ҳамда демократик таълим доирасида бутун ҳаёт давомида таъминланиши зарур».

Бошқа моддаларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига тааллуқли бир қатор мұхым қоидалар баён қилинади. Улар жағон мамлакатларининг қонунчилигида ўз аксини топиши лозим:

- жисмоний тарбия ва спорт дастурлари алоҳида шахслар ҳамда жамият талабларига жавоб бериши лозим;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таълим бериш, кадрлар билан таъминлаш ҳамда бошқариш юқори мақалы ходимларга топширилиши зарур;
- жисмоний тарбия ва спорт учун тегишли инвентар ҳамда асбоб-анжомлар керак;
- илмий тадқиқотлар жисмоний тарбия ва спортни ривожланишишнинг зарур элементи ҳисобланади;
- жисмоний тарбия ва спорт түғрисида ахборотлар ҳамда ҳужжатларни тұплаш, тақдим этиш ва кенг тарқатиш биринчи даражали иш ҳисобланади;
- оммавий ахборот өсітілары жисмоний тарбия ва спортта ижобий таъсир курсатиши лозим;
- миilliй ташкілотлар жисмоний тарбия ва спортда биринчи даражали ақамиятта эга;
- халқаро ҳамкорлик жисмоний тарбия ва спортнинг хар томонлама ҳамда мұттадил равища ривожланиш шартларидан бири ҳисобланади. У мустаҳкам тинчликни сақлаш ҳамда ушлаб туриш, узаро ҳукумат ва дүстлик мұносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, халқаро муаммоларни ҳал этиш учун қулай мүхит яратади.

ХОҚ Олимпия хартияси қоялари Халқаро хартияда тақрорланишига қарамасдан, ЮНЕСКО Халқаро хартияси кишилиқ жамияті ривожланишининг ҳозирги босқичида жисмоний тарбия ва спортнинг халқаро ривожланишининг мұхим ақамиятини очиб беради.

Бириңчидан, Халқаро хартия жағон мамлакатларидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қонунчиликнинг ривожланишига тұртқи бўлди. У пайдо бўлиши билан Юнонистон, Франция, АҚШ ва бошқа давлатларда жисмоний тарбия ва спорт түғрисида биринчи қонунлар қабул қилинди.

Иккинчидан, унинг қоидалари қабул қилинаёттан қонунларга асос булиб хизмат қилди. Узбекистон Рес-

публикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Конунини яратишда ҳам жисмоний тарбия ва спорт халқаро хартияси мазмуни ҳисобга олинган.

Учинчидан, кўриб чиқилаётган ҳужжат жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий моҳияти муаммосини ўрганишда муҳим назарий манба ҳисобланади. Унда илфор инсон тафаккурининг кишилар ҳамда жаҳон цивилизацияси ривожланишида жисмоний тарбия ва спортнинг юксак аҳамияти тўғрисидаги изланиши натижасида ҳосил бўлган чукур ғоялар ўз аксини топган.

ХХII. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

1999 йил 27 майда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси жисмоний тарбия ва спортнинг келажакдаги тақдири учун муҳим бўлган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорни қабул қилди. Ушбу қарорнинг аҳамияти шундан иборатки, жисмоний тарбия — спорт соҳасидаги ҳамма субъектлар фаолиятини давлатимизнинг янги сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, шу асосида аввалги тоталитар тузим нуқсошлиаридан кутилишdir.

Бу Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спортнинг узривожланишида сифат жиҳатдан янги босқичга кирганинини англалади.

Мустақил Ўзбекистонимиз ўз суверенитетининг биринчи кунлариданоқ жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишга миллий тараққиётга ёрдам берувчи омил сифатида катта эътибор қаратди. Айнан шу мақсадларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятидаги ўзгаришлар жамиятимизнинг янги иқтисодий ҳамда сиёсий шароитларига мослашишига қаратилди, яъни социалистик асосдаги жисмоний тарбия ва спорт тизимидан унинг бозор иқтисодиёти асосларига, жисмоний тарбия ва спортнинг тоталитар тизимдан демократик тизимга ўтиши амалга оширилди. Давлатимиз мустақил деб эълон қилингандан бошлаб, ярим йилдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Конуни қабул қилинди, сўнгра жуда муҳим муаммолар аста-секин ҳал этила бошланди: «Соғлом авлод учун» устувор давлат сиёсати; фут-

бол, теннис, курашни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлар; йирик ҳалқаро спорт форумларининг ўтказилиши; миллий курашнинг ҳалқаро миқёсга чиқиши — Ҳалқаро кураш ассоциациясининг тузилиши ҳамда ушбу спорт тури бўйича Тошкентда биринчи жаҳон чемпионатининг зафарона утказилиши; ЎзРМОҚнинг тузилиши, мустақил жамоа сифатида давлатимиз спортчиларининг Олимпия ўйинларида иштирок этиши ва ҳ.к.

Мана шундай муҳим ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, янги ҳукумат қарори ўзининг кенг миқёслиги, янгилиги, тубдан амалга оширилиши, дол зарблиги билан ажралиб туради. Бу, шубҳасиз тарихий қарор, чунки у ватанимиз спорти тарихида янги босқични очиб беради.

Биринчидан, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳукуқий асосларини янада ривожлантиришни кескин олдинга олиб чиқади. Қарор «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишни назарда тутади. Бу уни давлатимизнинг янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларига мослаштириш деганидир. Қарорнинг ушбу қисми бажариб бўлинди. 2000 йил май ойида Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди. Унда қўйидаги вазифалар қўйилади: қонуний-меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва давлат, жамоат ҳамда хусусий жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан унга амал қилиш; спорт-соғломлаштириш клуби тўғрисидаги намунавий қоидаларни тасдиқлаш; профессионал спорт лигалари, ассоциациялар ҳамда клубларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини тартибга солувчи меъерий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; спортчилар ва клублар уртасида шартномалар тузиш.

Иккинчидан, қарор жисмоний тарбия ва спортни таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидағи тубдан ўзгаришлар жараёнига қўшиб юборади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилиши жисмоний тарбия ва спорт бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилашни назарда тутади, яъни: тренерларни тайёрлашда ЎЗДЖТИ аҳамиятини ошириш, менежмент, маркетинг,

миллий спорт турлари, ДЖТ бўйича мутахассисларни тайёрлашга киришиш лозим; вилоят университетлари ва педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари, мактабгача жисмоний тарбия бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун давлат стандартларини ишлаб чиқишилари ҳамда бундай мутахассисларни тайёрлашта киришишилари зарур; Давлат спорт қўмитаси мутахассисларнинг малакасини ошириш, қайти тайёрлаш, аттестациялаш ҳамда стажировка утани тизимини яратиш бўйича муҳим ишларни амалга ошириш керак; Нукус, Наманган, Фарғона, Қарши, Бухоро, Навоий, Термиз, Урганч, Жizzах, Гулистан шаҳарларида олимпия ўринbosарлари колледжларини ташкил қилиш йўли орқали уларнинг тармоғини кенгайтириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ҳаракатларининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони билан мувофиқлаштирувчи жисмоний тарбия ва спортнинг соғлиқни сақлаш тизимига янада чукурроқ қўшилиб боришини назарда тутади. Бунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш; «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш, ҳар йилги диспансеризация ва кўриқдан ўтказишни амалиётта татбиқ этиш; аҳоли ҳамма қатламларининг жисмоний ривожланиш ҳолати даражасини текшириш; терма жамоаларимиз тайёргарлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш; тиббий-жисмоний тарбия диспансерлари, тиббий-назорат кабинетлари ҳамда жисмоний тарбия-тикланиш марказлари тармоқларини кенгайтириш; корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ягона саломатлик хизматини (у соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда жисмоний тарбия мутахассисларни бирлаштирали) яратиш.

Учинчидан, қарор бутун жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини жадаллаштириш хусусиятига эга бўлган бир қатор муҳим масалаларни ҳал этади. Ушбу янги киритилган кўшимчаларнинг баъзиларида тўхталиб ўтамиз:

— жаҳоннинг йирик спорт давлатларида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилишнинг клубли шакли энг асосий шакл сифатида ривожланади. Иккита турдаги клублар ривожлана бошлайди — спорт клублари («Пахтакор» каби) ва аҳоли турли қатламини соғлом-

лаштириш учун мўлжалланган жисмоний тарбия-согломлаштириш клублари;

— маҳалла миллатни соғломлаштиришга ўз ҳиссанини қушади. Ўзбекистон фуқаролар жамиятининг ушбу шакли самарадорлигини ҳётнинг ўзи кўрсатди ҳамда унинг бундай олижаноб ишларга, яъни миллатни соғломлаштириш тадбирларига қушилиши жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳаракатига катта куч багишлади;

— учта даражадаги «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестларининг киритилиши ўзбек спорт тақдири учун катта аҳамиятга эга. Аҳолининг кундалик турмушига маҳсус тестларнинг жорий этилиши жисмоний тарбия ва спортнинг ҳамма бугинларида, жисмоний тарбия-спорт фаолиятининг ҳамма субъектларида ишларни бошлаб юборишга имкон беради. «Алпомиш» ва «Барчиной» меъёрларини топширишга тайёргарлик куриш ҳамда топшириш бўйича ишларни миллатни янада жисмоний ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида куриб чиқиш лозим. Ушбу тестларнинг киритилиши аҳоли тури қатламларининг жисмоний тайёргарлиги ҳамда саломатлиги даражасини аниқлашга ёрдам беради;

— 2000 йилдан жамиятимиз ҳётида жисмоний ривожланиш ва саломатлик тантанаси куни сифатида умумхалқ «Спорт байрами»ни жорий этиш. Ушбу байрам орқали соғлом турмуш тарзини ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун обрўли ҳамда эътиборли даражага кўтаришга имкон яратилади;

— талабалар спорт ҳаракати бир пайтлар асоссиз йуқ қилинган эди ва биз жаҳон талабалари спорт ҳаракатидан четда қолиб кетдик. Қарор бу ҳолатта чек қуяди. Янги «Талаба» деб номланган талабалар жамиятини ташкил этиш ҳамда унинг асосида жаҳон талабалар спортига қўшилиш лозим;

— «Коллеж спорти» ҳаракатини ташкил қилиш бўйича муҳим вазифа олдимиизда турибди. Бу ҳаракат академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари талабаларининг жаҳон андозалари даражасида жисмоний ривожланишини таъминлаши зарур;

— жамоаларимизнинг спорт тайёргарлигини оширишга қаратилган муҳим янгилик — бу «Янгиобод» ва «Билдирсой» спорт базаларида ёзги ҳамда қишки

спорт турлари бўйича олимпиячиларни тайёрлаш марказларига бўлган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда олимпия ўқув-тренировка марказларини яратиш;

— миллий спорт турлари, мусобақалари ва ўйинларини қайта тиклаш бўйича кўп йиллар давомида ишлар олиб борилмоқда: Шахрисабз шаҳрида болалар-усмирлар спорт мактаби билан Республика «Курашни ривожлантириш» маркази очилмоқда; Ипподром базасида Республика Миллий спорт турларини ривожлантириш маркази ташкил қилинди. Жисмоний тарбия-спорт фаолиятининг ушбу йуналишлари бўйича ҳалқ фестивалларини амалиётга жорий этиш миллий спорт турлари, мусобақалари ва ўйинларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Фестиваллар туманлар, вилоятларда ҳамда икки йилда бир марта республикада ўтказилади.

Қарор қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спорт тизими учун мамлакатимиз аҳолисини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида соғломлаштириш бўйича муҳим давлат вазифасини ҳал этишда янги туртки бўлди.

XX АСРНИНГ СЎНГГИ ОЛИМПИАДАСИ

Сиднейдаги Олимпиада ҳисоб бўйича XXVII бўлиб, у XX асрнинг сўнгти Олимпиадасидир.

Австралияда Олимпия ўйинлари биринчи марта 1956 йилда жанубий ёз даври бошида (22 ноябрдан 8 декабргача) ўтказилган эди. Айнан шу нарса деярли жаҳоннинг ҳамма етакчи жамоаларининг олимпия ўйинлари олди тайёргарлита жадвалини тубдан ўзгартиришга мажбур қилди.

Собиқ Иттифоқ терма жамоалари олимпиада олди ўқув-тренировка йигинларини Узбекистонда ўтказган эди. Чунки бу ерда қишилиқ келади ва об-ҳаво Австралиянинг иқдим шароитларига ўхшаш.

XXVII Олимпия ўйинлари Сиднейда (Австралия) 2000 йилнинг 15 сентябридан 1 октябригача ўтказилди. Бу вақтда об-ҳаво шароитлари ҳам олимпия терма жамоалари учун қулай ва одатий эди.

Сиднейдаги спорт мусобақалари аввалги Олимпиадалардаги «барча рекордлардан ошиб тушди»: унда 200

та мамлакат вакиллари қатнашди, мусобақалар 38 та олимпия спорт турлари бўйича ўтказилди. Бу мусобақаларда 11147 спортчи, жумладан 4261 та аёллар медаллар учун кураш олиб бордилар. Энг йирик делегациялар: Австралия — 1029 та спортчи, АҚШ — 1008, Россия Федерацияси — 762 киши. Қатнашчиларнинг (спортчилар, тренерлар, расмий шахслар) умумий сони 19139 кишини (Атлантада — 15984) ташкил қилди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси XXVII Олимпия ўйинларида мустақил спорт делегацияси сифатида иккинчи марта қатнашди. Унинг таркибига 77 та спортчи ва 52 та расмий шахслар (ҳаммаси бўлиб 129 киши) кирди. Бизнинг спортчиларимиз дастурдаги 38 та спорт туридан 11 тасида иштирок этди. Енгил атлетика жамоаси нисбатан кўп сонли бўлиб, 29 та спортчи қатнашди, сузии ва боксда — 10 тадан спортчи, дзюодода — 7 та спортчи иштирок этди.

Спорт мусобақалари давомида спортчиларимиз битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалларини қулга киритдилар 8 та спортчимиз фахрли совринли ўринни эгаллади (1-жадвал).

Ўзбекистон олимпия терма жамоасида андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев миллий қаҳрамонга айланди. У 312 та боксчи, жумладан Куба, АҚШ, Олмония боксчилари орасида олтин олимпия медалини қулга киритди.

Эркин кураш бўйича оғир вазн тоифасида кумуш олимпия медалига сазовор бўлган Артур Таймазов, бокс бўйича бронза медалларини қулга киритган Сергей Михайлов ва Рустам Сайдовлар муваффақиятларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси жамоа ҳисобида ҳам муваффақиятларга зришиб, 200 та иштирокчи давлатлар орасида 41-ўринни эгаллади (Атлантада 197 та давлат орасида 58-ўрин эди).

Ўзбекистон олимпиячилари олдида янги вазифалар — Олимпия ўйинлари ватани Афинада бўлиб утадиган XXVIII Олимпия ўйинларига тайёргарлик ва уларда қатнашиш вазифаси турибди. Бу ўйинлар XXI асрнинг биринчи ўйинларидир. 41 та спорт тури бўйича тайёргарлик олиб борилади (2-жадвал).

Сиднейда утказылган XXVII Олимпия уйинларында соприли урныларни атталаган узбекистонлик спортчилар

1.	1-үрин	Абдуллаев		
2.	2-үрин	Муҳаммадқодир	Бокс	63,5 кг
3.	3-үрин	Таймаев Артур	Эркин кураш	130 кг
4.	3-үрин	Михайлов Сергей	Бокс	81 кг
5.	3-үрин	Сайдов Рустам	Бокс	+ 91 кг
5.	4-үрин	Захартдинов Дамир	Эркин кураш	58 кг
6.	4-үрин	Хилко Екатерина	Трамполин	36,60 балл
7.	5-үрин	Мухтаров Дишод	Үқ отиш	662,5 очко
8.	5-үрин	Курбонов Баҳодир	Юнон-рум кураши	63 кг
9.	5-үрин	Раҳимов Алишер	Бокс	54 кг
10.	5-үрин	Чагаев Руслан	Бокс	91 кг
11.	6-үрин	Мухтаров Алишер	Дзюдо	60 кг
12.	6-үрин	Хинчагов Руслан	Эркин кураш	76 кг

2-жадвал

2004 йил Афинала (Юновистон) утказыладынган XXVIII Олимпия уйинлари дастури

От спорти	
1. Баскетбол	22. Конкур
2. Эркин кураш	23. Виездка
3. Юнон-рум кураши	24. Учкураш
4. Бокс	
5. Волейбол	
6. Пляж волейболи	
7. Тенис	
8. Софтбол	
Гимнастика	
9. Суыш	25. Спорт гимнастикаси
10. Сув полоси	26. Бадий гимнастика
11. Сувга сакраш	27 Трампolin
12. Синхрон суыш	28. Футбол
13. Енгил атлетика	29. Гандбол
14. Қиличбозлик	30. Чим устида хоккей
Сув спорти турлари	
15. Үқ отиш	31. Замонаний бешкураш
16. Стендда үқ отиш	32. Таэквоңдо (ВТФ)
17. Оғир атлетика	33. Стол тенисси
18. Дзюдо	34. Камондан үқ отиш
19. Академик эшкак эшиш	35. Елқанли спорт
20. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш	36. Бадминтон
21. Эшкак эшиш слаломи	37. Бейсбол
Велоспорт	
	38. Трек
	39. Шоссе
	40. Мунтайбайк
	41. Триатлон

ХУЛОСА

2000 йил май ойида Ўзбекистонда янги спорт саҳифаси очилди — биригичи бор талабаларнинг мажмуали спорт мусобақалари «Универсиада — 2000» ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов талабалар стартлари қатнашчиларига илиқ сұзлар билан мурожаат қилиб, қуйидаги фикрларни билдириди: «Ватанимиз ва халқимизнинг дунёдаги шуҳратини тобора орттиришда спортнинг аҳамияти беқиёсdir. Бу ҳақиқатни узбек ёшларининг күп сонли йирик миқёсдаги мусобақалардаги ғалабалари тасдиқлайди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий баркамолликка эришишда энг муҳим омил ҳисобланади. У иродани чиниқтиради, олдинга қўйилган мақсад сари қатъий боришга, қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтишга ўргатади, ғалабага бўлган қатъий ишончни, фахрланиш ҳиссини тарбиялайди.

Сизнинг ҳаммаларингизда, йигит ва қизларимизда, спортчи ёшларда мен халқимиз умид юлдузлари, эртанги кун ишончи ҳамда таянчини кураман» («Халқ сүзи», 2000 й., 23 май).

Ушбу сўзларнинг маъносини чукур англаб кўринг. Улар сизни, ҳурматли ўкувчи, руҳлантирсинг ва спорт заллари, стадионлари ҳамда сув ҳавзаларига етакласин. Спорт сизнинг ҳаётингизда ишончли йулдош, ҳамма ҳаётий вазифаларни ҳал этиш усули булсин.

МУНДАРИЖА

Суз боши	3
I. Бизнинг ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси	7
II. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари	10
III. Замонавий Олимпия ўйинлари	12
IV. Халқаро Олимпия қўмитаси	19
V. Пьер де Кубертен — олимпизм отаси	22
VI. Сакизта президент	23
VII. Олимпия хартияси	28
VIII. Халқаро спорт бирлашмалари	34
IX. Миллий олимпия қўмиталарининг Бош ассамблеяси	37
X. Халқаро спорт федерацияларининг Бош ассоциацияси	39
XI. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси	40
XII. Ўзбекистонда спортниң ривожланиш хронологияси	45
XIII. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида олимпия ҳаракати	51
XIV. Олимпия маданияти қадриятлари	53
XV. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси	56
XVI. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасининг биринчи президенти	58
XVII. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасининг иккинчи президенти	60
XVIII. Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ўйинларидағи иштироки тўғрисида	62
XIX. Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси	63
XX. Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи	66
XXI. ЮНЕСКОнинг жисмоний тарбия ва спорт халқаро хартияси	83
XXII. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортниң ривожланишидаги янги босқич	87
XX асрнинг сўнгги олимпиадаси	91
Хуноса	94

ОЛИМПИЯ БИЛИМЛАРИ АСОСЛАРИ

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002**

Мұхаррир *Б. Ҳасанов*

Рассом *M. Самойлов*

Техник мұхаррир *Д. Габдрахманова*

Мусағұл *Ю. Бизалтова*

Терішга берилді 12.07.2002. Боситта рухсат этилди 20.08.2002.
Бичими 84x108 1/2. Таймс гарнитура. Офсет босма. Шартлы босма
табоби 5,04. Нашриёт-хисоб табоби 4,9. Адади 5000 нұсха. Буюргыма
№ 3796. Бағосы келишилтган наරда.

**«Шарқ» настриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Туон, 41**